Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 187 (8927). ● 1986 йил 2 октябрь ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети 1986 йил 25 сентябрда «Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Краснодар ва Ставрополь ўлкаларига қилган сафари якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда 1986 йил 17—19 сентябрь кунлари Краснодар ва Ставрополь ўлкалари партия активлари ва меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувларда айтилган қоидалар ва хулосаларнинг принципиал аҳамияти таъкидланади. Ана шу учрашувларда қайта қуришнинг реал манзараси тасвирлаб берилди, унинг дастлабки якунлари ва натижалари чиқарилди, қайта қуришни собиқадамлик ва изчиллик билан амалга ошириш вазифалари белгиланди. Баён қилинган хулосалар XXVII съезднинг қайта қуришнинг революцион, кенг қамровли хусусиятлари ҳақидаги йўл-йўриқларини ривожлантиради, уларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига — экономика, социал муносабатлар, сиёсий устқурма, маънавий турмуш, партиявий давлат ва хўжалик ишларига татбиқ этишда конкретлаштиради. Қайта қуриш бир марталик иш эмас, дарҳол бажариладиган иш эмас, балки муайян тарихий давр доирасида давом этадиган жараён эканлиги ҳақидаги кўрсатма партия фаолияти учун муҳим роль ўйнайди.

Қайта қуриш, деб таъкидланади қарорда, социалистик тузумимизнинг ички резервлари ва имкониятларини сафарбар этишнинг асосий воситаси, КПСС XXVII съезди йўлини ҳаётда амалга оширишнинг сўзсиз шартидир. Партия қайта қуриш жараёнини йўналтириб ва ташкил этиб, халқ оммасининг жонли ижодига, уларнинг амалга оширилаётган ўзгартишлардан чуқур манфаатдорлигига асосланади. Меҳнаткашлар кечаги ютуқлар билан кифояланиб қолишни, камчиликлар, салбий ҳодисалар билан муроса қилишни хоҳламайдилар. Жамият ҳаётида фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган катта чора-тадбирлар, бошқарувни ислоҳ қилиш, муҳим социал проблемалар томон бурилиш, янги маънавий муҳитни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган жиддий ўзгаришлар юз бермоқда.

Шу билан бирга КПСС XXVII съезди Марказий Комитет июнь Пленумининг кўрсатмалари янгиланиш йўли етарли жўшқинлик билан амалга оширилмаяпти. Умуман жамият ўзгаришлар қилишга қатъий аҳд қилган бўлса-да, қайта қуриш жараёни мураккаб, зиддиятлар билан, нотекис давом этмоқда, турли социал-психологик ва ташкилий ғовларга тўқнаш келмоқда, ўзининг худбинлик манфаатларини кўзлаб умри тугаган партиялар ва партиявий ташкилотларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Бошқарув аппарати ишида бюрократчасига талқин, интизомсизлик ва масъулиятсизлик қайта қуриш йўлида тўсиқ бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети таъкидладики, қайта қуриш янгиликнинг эскилик билан кураши давомида танқид ва ўз-ўзини танқид, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократиялаш асосидаги ошкоралик шароитидагина, ҳар бир меҳнат коллективида, партия ташкилотида, ҳар бир областда, республикада, тармоқда, умуман партия ва жамиятда ҳар бир киши ўзини хўжайин деб ҳис этадиган, умумий иш учун ўз масъулиятини чуқур англайдиган, ўзининг гражданлик позициясини намоён қиладиган шароит яратилгандагина қайта қуриш таъминланади. Коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг, партия, давлат, жамоат ташкилотларининг, планлаштириш ва хўжаликни бошқариш органларининг, меҳнат коллективларининг диққат-эътибори ўн иккинчи беш йиллик вазифаларининг ҳал этилишига қаратилиши лозим. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишида ўн иккинчи беш йиллик ғоят муҳим роль ўйнайди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ҳар бир меҳнат коллективида раҳбарлик ва бошқарувнинг ҳамма даражаларида қайта қуришнинг боришини пухта таҳлил этиш, унинг кўламини ошириш, ҳар бир соҳада иш яхшиланиш сари ўзгаришига, кишилар ўзларини дадил ҳис этиб, ғайрат билан ҳаракат қилишларига эришиш топширилди. Ошкораликни демократизмнинг ҳамма формаларини бутун чоралар билан кенгайтириш, қўйидан бўладиган контролни кучайтириш, коммунистларни ҳам, регион, тармоқ, корхона меҳнаткашларини ҳам ташвишга солаётган долзарб масалаларни йиғилишларда, матбуот саҳифаларида кўтариб чиқиш керак.

Партия органлари ўзларининг ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик фаолиятларининг бутун услуби билан қайта қуришда жамиятга намуна кўрсатишлари, камчиликларни тузатишга қаратилган, қимматли таклифлар ва тажрибаларни ўз ичига олган, меҳнат коллективларининг, социалистик тузумимизнинг имкониятларини очиб берадиган ҳамма нарсани рағбатлантиришлари керак. КПСС Марказий Комитети бу ишда маҳаллий партия органларига, бошланғич партия ташкилотларига алоҳида ўрин ажратилишини, сиёсий йўлни реал ҳаёт билан боғлашда, партия директиваларини тўла-тўкис амалга оширишда уларнинг зиммасига жуда катта иш тушишини кўрсатиб турибди.

Қайта қуришни ҳам қўйидан, ҳам юқоридан олиб бориш зарур. Бошқарув органлари фаолияти халқ оммаси ташаббускорлигини ривожлантиришга ёрдам бермоғи лозим. Бироқ Марказий Комитет ва ҳукуматнинг шу соҳадаги муҳим сиёсий қарорлари кўпинча министрликлар ва идораларнинг суст ишлигига дуч келмоқда, улар эски одатларни базўр тарк этмоқдалар, ҳуқуқларни корхоналар ва бирлашмаларга топшириш шошилмаяптилар, жойларга жуда кўп фармойишлар юбориб, конкрет топшириқлар ва вазифаларни белгиланган муддатда ҳал этмай, ўзларининг актив иш олиб бораётган қилиб кўрсатмоқдалар. Министрликлар ва идоралар фаолияти хўжалик юритишнинг янги шароитларини яратишга, раҳбарликнинг иқтисодий методларини ишлаб чиқиш ва кенг қўлланишга, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга фаол жалб этишга бўйсундирилган бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Марказий органларнинг қарорларини бажариш жойларда навбатига қараб кейинга қуриб қўйиладиган эски яроқсиз практикага чек қўйиш зарурлигини уқтириб, бундай хавфли йўлга ўтувчи раҳбарлар шахсан партиявий жавобгарликка тортилишини огоҳлантирди.

Партия, совет, жамоат ташкилотларига, хўжалик органларига, газета ва журналлар, телевидение, радио редакцияларига кишиларнинг ижодий активлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, камчиликларни танқид қилиш даражасини пасайтирмаслик, ишнинг бўшлигига айбдор бўлган конкрет кишиларни четлаб ўтмаслик, янги, илғор нарсаларни қатъий қўллаб-қувватлаш, қайта қуриш вазифасини чуқурроқ ўрганиш, унинг ижодий жиҳатларини тўлароқ кўрсатиб бериш таклиф қилинди.

Қарорда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Кубань ва Ставрополдаги учрашувлари ҳамда суҳбатлари совет кишиларининг СССР ташқи сиёсати масалаларига — тинчлик сиёсатига зўр қизиқиш билан қараётганликларини, кенг халқ оммаси бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаётганлигини ишончли тарзда намойиш қилганлиги таъкидланади.

Бу учрашувлар партия ва халқ бирлигининг буюк кучини, уларнинг меҳнат кишиси, коммунизм идеаллари манфаатлари йўлида социалистик жамиятимизни янада қудратли ва жозибали қилишга аҳду-паймонларини такрор-такрор кўрсатди.

ҲОСИЛ—86

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ПИСКЕНТ

◆ ОХУНБОБОЕВ номли колхознинг Тўхтабой Турғунов бошлиқ бригадаси деҳқонлари давлатга пахта топшириш бўйича йиллик планларини бажардилар. Шу кунгача мавжуд 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди. Коллектив хирмонига илғор механик-ҳайдовчи Абдураим Абдусамадовнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. У шу кунгача 114 тонна пахта тўкди.

Бригада далаларида ҳали ҳосил мўл. Колхозчилар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, пахта ҳосилдорлигини 35 центнерданга етказиш учун курашни янада авж олдириб юбордилар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

◆ ОХУНБОБОЕВ номли колхознинг механик-ҳайдовчилари Ғулом Усмонов ҳамда Нуран Тожиқуловлар механизаторлар ўртасида ўтказилаётган район мусобақасида пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача ўз агрегати ёрдамида 123—132 тоннадан пахта теришди.

ЯНГИЙЎЛ

◆ **ЖУМАБОЙ Абдураззоқов ҳамда Қорабой Исаевлар Н. Ниёзов номли колхозда меҳнат қилишади. Улар ҳам шу кунгача 100 тоннадан пахта териб, район мусобақаси ғолиби бўлишди. Бу илғор механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири мавсумда 150 тонналик хирмон уйиш учун курашмоқда.**

ҒАЛАБА

◆ «ЗАРЯ КОММУНИЗМА» колхозининг Жуман Аширбеков бошлиқ бригадаси аъзолари кунлик ўсишда юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу ерда бир кунда 27 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик планга нисбатан 9,7 процент демакдир. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилаётган бригада аъзолари пахтанинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб топширадилар.

ОҚҚУРҒОН

◆ ЎТГАН куни район маданият уйининг «Наврўз» халқ ансамбли Ҳ. Олимжон номли колхознинг Есергеп Усмонов бошлиқ бригадаси дала шийпонида бўлиб, концерт программасини намойиш этди. Ансамбль қатнашчиларидан Турсунмат Мирзаев, Жалол Қурбонов, Зумрад Муҳторова, Олимжон Эргашевлар ижро этган куй ва қўшиқлар колхозчиларга манзур бўлди.

Ансамбль қатнашчилари кейинги беш кун мобайнида «Ленинизм», «Коммунизм», «Партия XXII съезди» ҳамда Навоий номли колхозларда ҳам бўлишди.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	0,80	37,45	0,77	27,43
Пискент	0,54	32,73	0,60	30,81
Янгийўл	0,66	29,27	0,70	23,56
Ўрта Чирчиқ	0,38	26,64	0,53	32,49
Бекобод	0,06	26,42	0,07	21,18
Коммунистик	—	20,39	—	25,75
Оққўрғон	0,20	20,06	0,27	16,81
Бўка	0,21	14,90	0,28	14,11
Ғалаба	0,35	9,90	0,46	10,44
Область бўйича:	0,32	22,72	0,37	20,86

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—44,29; Бухоро—36,01; ҚҚАССР — 32,57; Хоразм—32,45; Сурхондарё—25,43; Наманган—23,11; Тошкент — 22,72; Қашқадарё — 16,68; Андижон—16,64; Самарқанд — 16,31; Навоий—15,72; Жиззах — 13,40; Сирдарё—10,02; республика бўйича—24,00.



◆ ПИСКЕНТ районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг далаларида йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бунда совхознинг Суроб Боймуродов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари ибрат бўлишяпти. Улар бу йил 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан сифатли пахта йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Асосий ҳосил эса машиналарда териб олинади. Суратларда: (ўнгда) бригаданинг илғор механизатори Абдулла Хўжамқулов. Ў кунига ўз агрегати бункеридан 9—10 тонна пахта тўкиб, хирмонга барака киритмоқда: теким пайти.

А. Зуфаров фотолари.

ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОД РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАЛАРИ МУДИРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Ижтимоий тараққиёт сўръатлари, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ўқи жиҳатдан халқнинг ғоявий-сиёсий етуклигига боғлиқ. Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган, уни амалда қўлланишни биладиган, янгича фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим роль ўйнайди. Бу ўқув юртлари фаолиятининг аниқ йўл-йўриқлари замонамизнинг чинакам революцион характери билан белгиланган.

1 октябрь куни Москвада, Катта Кремль саройида очилган Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифаларини муҳокама қилмоқдалар.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов ўртоқларни кенгаш аҳли қарсаклар билан кутиб олди.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари ҳамда фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олимлар, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мамлакат етакчи олий ўқув юртларининг ректорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари қатнашмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев очди. Унинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало мен сизларни партия Марказий Комитети номидан самимий табриклаб, кенгашингизга муваффақиятлар тилайман. Биз бу кенгашга катта аҳамият бермоқдамиз.

Давр турмушнинг барча соҳаларида ташаббускорлик, ижодкорликни тақозо этмоқда. Бу давр ўзининг янгилиги ва миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган вазифаларни олға сурдики, улар ғоят қисқа тарихий муддатларда ҳал этилиши лозим.

Марказий Комитет **жадаллаштиришга, қайта қуришга, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўлни ғоявий-назарий фаолиятни активлаштирмай, ривожланаётган социализм ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш борасидаги амалий тадбирларни илмий жиҳатдан пухта таъминламай туриб рўёбга чиқаришни тасаввур этиб бўлмайди,** деган қатъий ишончга асосланади.

Бир вақтлар Маркс ва Энгельс пролетариат баррикадаларда ўз ғалабасини курашиб қўлга киритгунга қадар у ўзининг бир қанча интеллектуал ғалабалари ҳукмронлиги бошланганлиги тўғрисида дарак беради, деб ёзган эдилар.

Биз ҳозирги даврга татбиқан шуни айта оламизки, биз жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришгунимизга қадар катта-катта интеллектуал ғалабаларга эришишимиз, назария соҳасида, ҳаётдаги янги ҳодисалар ва жараёнларни ижодий идрок этишда анча олға силжишимиз керак.

Назария фақат истиқболдаги социал ва сиёсий йўналиш учунгина зарур бўлиб қолмай, у бизнинг олға томон қўйдиган деярли ҳар бир қадамимиз учун ҳам зарурдир. Қандай бўлмасин, бирорта ҳам йирик амалий масала идрок этилмаса ва назарий жиҳатдан асосланмаса, уни ҳал этиб бўлмайди. Назарий фаолиятнинг ўзи социалистик ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатланиб турувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг ғоят муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

Назарий тафаккур аввало социализм ҳозирги босқичи хусусиятларини, унинг 2000 йилгача ва ундан кейинги даврда сифат жиҳатдан янги ҳолатга эришиши айрим босқичларини тўлароқ ва чуқурроқ кўрсатиб бериши керак. Бу тафаккур умуман ҳозирги дунёнинг илмий объектив манзарасини чизиб бериши лозим.

Буларнинг ҳаммаси оддий масалалар эмас. Шулардан фақат бирини олиб кўрайлик. Инсонни ҳар томонлама камол топтириш бизнинг идеалимиз бўлиб, у одамларнинг ортиб бораётган моддий ва маънавий талабэҳтиёжлари тобора тўлиқроқ қондирилишини назарда тутади. Бунда моддий тараққиёт интеллектуал ва маънавий бойликлар билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир.

Биз тажрибадан шуни биламизки, инсон ва жамиятдаги маънавий, ахлоқий негизлар қашшоқлашиб қолган тақдирда истеъмолчилик кайфиятлари, молпарастлик муқаррар кучаяди, ички дунё қашшоқлашиб боради. Кўриб турибмизки, эҳтиёжларни ошириш қонуни бир хилда ва автомат тарзда таъсир қилмайди. Бунда проблема бор, бўлганда ҳам жуда катта проблемадир. Зотан уни инсон ҳаёти ва уни камол топтириш барча омиллари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим.

Ривожланиб бораётган қайта қуриш ижтимоий фанлар бутун системасига ғоят масъулиятли социал вазифа топширади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси, социалистик мулк, кооперация, халқнинг ўзини-ўзи бошқаруви ва демократияси ижтимоий онгни ривожлантириш, салбий ҳолатларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги ва бошқа кўпгина нарсалар ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ҳозирги турмуш материали асосида бойитилишга муҳтождир. Партия ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, илғор технологияларни қўлланиш, ишлаб чиқариш муносабатларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, хўжалик юритиш ва бошқариш формаларини ўзгартириш йўлидаги курашимизга иқтисод фанининг тобора кўпроқ ҳисса қўшишига умид боғламоқда.

Бусиз жадаллаштиришнинг, асосий омил — инсон омилини «ишга солиш»нинг иложи йўқ.

Хуллас, КПСС Марказий Комитети назарий фронтни активлаштиришни ғоят муҳим вазифа деб билади. Бу стратегиямизнинг ажралмас таркибий қисми, кечиктириб бўлмайдиган ва объектив социал эҳтиёждир. Бу йўлда кўп нарсадан воз кечиш, кўп нарсани эса янгидан бошлаш керак.

Мен нимани назарда тутяпман?

XXVII съезднинг программавий ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида жамиятшуносликни қайта қуриш зарурлиги ҳақида гапирилади. Жамиятшуносликнинг проблемавий йўналишлари, бундай ишнинг конкрет йўллари ва методлари белгиланди. Сизлар бу ерда ана шу масалаларни муҳокама қиласизлар.

Мен ўзимнинг шу хусусдаги фикримни айтиб ўтмоқчи эдим. Аввало гап жамиятшуносликнинг умуман фан ичидаги, шунингдек анча кенгроқ — ижтимоий ва умумбашарий миқёсдаги роли ва аҳамияти ўзгарганлиги тўғрисида бориши керак, деб ўйлайман. Жамиятда содир бўлаётган сифат жиҳатдан чуқур, айтиш мумкинки, революцион ўзгаришлар биргина жамиятшуносликни шунчаки қайта қуришни эмас, балки унга нисбатан бошқа фанларнинг, шу жумладан умуман жамиятнинг муносабатида ҳам бир қанча муҳим силжишларни тақозо этади.

Равшанки, турмушимизни қайта қуриш, уни янгилаш давомида ғояларнинг, психологик йўл-йўриқларнинг, тафаккур ва хулқ-атвор услубларининг ҳамиша ҳам ошкора бўлмаган, аммо муросасиз ўткир кураши боради. Эскилик курашсиз таслим бўлмайди, у ҳаётнинг жўшқин маромига ҳар хил пуч ҳийла-найранглар билан мослашишнинг янги формаларини топади. Бунинг устига «жадаллаштириш», «қайта қуриш» деган тушунчаларнинг ўзини ҳам бажзида уларнинг янгилиги ва революцион моҳиятини пучга чиқаришга уринийб, умрини яшаб бўлган ақидалар ва қолиплар доирасига тиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин ҳозирги жараёнларни эски қоидаларга мослаштириб бўлмайди. Ҳозирги турмуш диалектикасини ифода этувчи янги хулосаларни ишлаб чиқиш керак ва буни ижодий муҳитдагина қилиш мумкин. Ҳақиқатни излашга турли нуқтаи назарларни қиёслаш, мунозара ва муҳокама қилиш, бир қолипдаги эски тушунчалардан воз кечиш йўлидан бориш лозим.

Шу боисдан биз янги ғояларни олға суришда дадиллик, ташаббускорлик зарурлиги тўғрисида алоҳида куч билан қатъий гапирмоқдамиз. Шу боисдан ҳозир партия «ҳақиқат пайти» тўғрисидаги масалани шу қадар ўткир қилиб қўймоқда. Партия уни ўрганиши ҳамда унинг муаммоларини ҳал этишнинг тўғри ва самарали йўлларини топиши керак. «Инсон бахти учун йўл» излашни истеъдодларнинг биринчи вазифаси, — деб таъкидлаган эди Ленин, — ўз мияларини ўзлари айниқмасдан ҳақиқатда бор нарсани дадил ва очиқдан-очиқ эътироф қилишдан иборат».

Ҳаммамиз эгаллаб олишимиз лозим бўлган янгича тафаккур, — диалектик тафаккурдир, диалектика эса К. Маркс ёзганидек, «ҳеч нарсага бўйин эгмайди ҳамда ўз моҳиятига кўра танқидий ва революцион диалектикадир». Марксизм ҳам «тўла-тўкис ва ҳеч сўзсиз» шундай фазилатга эгадир.

Ҳозир жамиятшунослар олдида ҳаёт талабларидан узоқлашганликни бартараф этиш вазифаси турибди. Жамиятшуносликнинг бутун жабҳасини амалиёт томон қатъиян бориш биз учун ниҳоятда зарурдир. Партия съездимиз масалани мана шундай ўртага қўйди. Кенгашингизнинг иши ҳам айни мана шу йўналишда ўтишига аминман.

Фақат шуни таъкидламоқчиманки, назария билан практиканинг алоқасини мустаҳкамлаш шунчаки бир умумий даъват эмас, бу — жамиятшуносликни қайта қуриш калити, олимлар, ўқитувчиларнинг иш принципидир.

Яна бир нарса ҳақида: практика — билим асоси ва ҳақиқат мезонидир. Биз буни аллақачон ўзлаштириб олганмиз, сизлар студентларни мана шунга ўқитмоқдасиз. Лекин назария билан практиканинг алоқаси диалектик алоқа эканлигига ҳамиша ҳам тушуниб етиладими? Назарий вазифаларни амалий вазифалардан ажратиб бўлмайди. Лекин назарияни шунчаки фактларни қайд этиш билан ҳам алмаштириш мумкин эмас. Назария практикадан илдам бориши, ҳодисаларни кенгроқ қамраб олиб, чуқурроқ назар ташлаши, «давр ширгган нарсаларни» кўра билиши керак.

Фан, назария одатдаги ҳаракат усуллари «иш бермай қолган», аввалги тажриба ва амалий ақл-идрок энди керакли маслаҳатни бера олмайдиган, принципиал янги ечимлар, ностандарт ҳаракатлар зарур бўлган жойда ва пайтда бебаҳодир.

Фан ёшларни мустақил, ижодий фикр юритадиган қилиб камол топтириш, тарбиялаш, шундай қобилиятни сингдириш зарур бўлган жойда ва шунинг учун керакдир.

Рўй-рост ва очиқ-ойдин айтаманки, ижтимоий фанларни ўқитишнинг ҳозирча ташкил этилиши ва унинг мавжуд формалари, методлари биз догматизм, схоластика деб атаётган нарсага кўп жиҳатдан имкон бермоқда. Ҳаётда учрайдиган

(Давоми 2-бетда).

М. С. Горбачев ва Р. Рейганнинг бўлажак учрашуви тўғрисида

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Р. Рейган 1986 йил 11—12 октябрь кунлари Рейкьявик шаҳрида (Исландия) учрашадилар. М. С. Горбачев учрашув тўғрисида таклиф этди ва буни Р. Рейган қабул қилди. Учрашув М. С. Горбачевнинг АҚШга қиладиган визитига тайёргарлик доирасида ўтказилади. Томонлар 1985 йил ноябрида Женевада ана шу визит тўғрисида келишиб олган эдилар.

СССР ва АҚШ учрашувни Рейкьявикда ўтказиш имкониятини беришга тайёр эканлиги учун Исландия ҳукуматидан миннатдордирлар.

ҒОЯВИЙ ЭТЪИҚОД РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қар қандай ҳодисаларга ғроқли бўлган йўл-йўриқларни ҳаммага маълум ҳақиқатдан излашга мойиллик юзакичиликдан, тафаккурнинг ижодий ишлашига эмас, балки умумий қоидаларни ўйламасдан ёд олишга умид боғлашдан юзага келади.

Маълумки, Ленин ўйлаб иш қилишни ёд олишга, қироатхонликка қарши қўйган эди. Ижтимоий фанларни ўқитишда эса кўпинча худди мана шу нарса етишмаяпти.

Мантиққа зид манзара вужудга келиб қолди: ҳозирги илмий билишдаги энг мароқли ва қизиқарли бўлган инсон ҳамда жамият, уларнинг ривожланиш қонунлари, зиддиятлари, синфлар курашн, янги дунё қурилиши, инсониятнинг идеалга интилиши, маънавий изланишлар ва ҳафсаланинг пир бўлиши, ҳақиқатга эришиш ва меҳнат бунёдкорлигининг қаҳрамонлиги кўпинча лекцияларда, қолаверса дарсликларда ҳам қандайдир зерикарли, сийқа, юзаки бир нарсага айлантириб қўйилмоқда.

Шундай қилиб тирик мавжудот, марксизм-ленинизм эмоционал интелектуаллигининг бутун жозибадорлиги йўқ қилинади. Марксизм-ленинизм меҳнат аҳлининг бутун донишмандлиги ва қайғу аламини, ғоят катта тажрибасини, уларнинг энг яхши келажак тўғрисидаги орзу-умидларини ўз ичига олган инсоният ҳаяжонли тафаккурининг чўққиси ва мужассам йиғиндисидир.

Партия янгича тафаккур юритиб ишлашга даъват этган бугунги кунда **маориф ва тарбия жараёнини кўп жиҳатдан ва янгича қуриш зарур.**

Аввало гап ижодий ёндашув тўғрисида, ижтимоий фанларни ўқитиш догматик методлари ва методикаларини тубдан ўзгартириш ҳақида бормоқда. Азиз ўртоқлар, программаларни қайта тузиш, янги лекцияларни қайтадан тайёрлаш, дарсликларни янгилаш керак.

Хуллас, яна ўша диалектикага, унинг бирон-бир предмет ёки ҳодисанинг моҳиятини кўрсатиб бериш, тафаккур ва билимларни зиддиятлар орқали ривожлантириш методига мурожаат этиш лозим. Шу принципни олий ўқув юртларининг ижтимоий фанларни ўқитиш программалари ва методикаларига асос қилиб олиш керак, ана шу программалар ва методикалардан жонли ҳаёт руҳи уфуриб туриши лозим. Бу принцип семинар машғулотларида асосий принцип бўлиб қолиши керак, бу машғулотларда мустақил фикрлаш, илмий баҳс юрита билиш маҳоратини кўпроқ сингдириш зарур. Маълумки, илмий баҳсда ҳақиқат юзага келади. Ёшларни ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳақиқатан ҳам ижодий жараёнида монолог эмас, балки диалог зарур элементдир.

Бизга ёшларнинг марксча-ленинча эътиқоди чуқур ўйфикр, изланишлар ва қувончли кашфиётларнинг, истасангиз, ҳеч бўлмаганда ўзлари учун кашфиётларнинг ҳам натижаси бўлиши керак. Фақат шундагина эътиқодлар ички эҳтиёжга, шахсан англаб етилган, машаққат билан эришилган, бинобарин, яшаш ва меҳнат қилишга ёрдам берувчи ҳақиқатан ҳам мустаҳкам эътиқодларга айланади.

Бизнинг давримизда, бурилиш даврида илмий дунёқарашни шакллантиришда ижтимоий фанларни ўқитишнинг аҳамияти тўғрисидаги масала бутун борлиғича намоён бўлмоқда. Хўш, бунда янги проблемалар, вазифалар борми? Бор деб ўйлайман.

Инсониятнинг илмий ва техникавий қудрати ошганлиги, жаҳоншумул проблемалар кескинлашганлиги, империалистларнинг милитаризм ва агрессия сиёсати оқибатида ер юзида инсоният цивилизацияси ва ҳаётнинг ўзи мавжудлигига хавф-хатарнинг кучайганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси янгича дунёқараш проблемаларини ўртага қўймоқда ва эскиларини қайтадан идрок этиш мажбуриятини юклямоқда.

Ҳозирги мураккаб, зиддиятли, аммо бир-бирига боғлиқ дунёда тўғри йўл топа билиш маҳорати — табиат инъоми эмас. Бундай маҳорат йўл-йўлакай, махсус фанларни ўзлаштириш билан бирга ҳам пайдо бўлмайди. Бўлғуси мутахассисларни шундай маҳоратга ўқитиб ўргатиш керак. Чунки дунёқараш — дунё тўғрисидаги умумий маълумотларнинг йиғиндисиданғина иборат эмас. Бу айни вақтда англаб олинган синфий манфаатлар ва идеаллар, ҳуқуқий ва маънавий нормалар, социал афзалликлар ва гуманистик бойликлар — хуллас инсоннинг ҳаётда танлаб оладиган хулқ-атвор йўлини, унинг жамиятга ҳамда ўзига нисбатан масъулиятли муносабатини белгилаб берадиган барча нарсалар ҳамдир.

Жамиятшунослик совет кишиси шахсининг маънавий асосларини, унинг актив гражданлик позициясини шакллантириш, унинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беришдек асосий вазифани сира ҳам назардан қочирмаслиги керак.

Фан-техника тараққиёти инсониятнинг техникавий қудратини беқиёс орттириб юборди. Ҳозир шу қудратнинг бир зарраси инженерга, конструкторга, олимга ишониб топширилмоқда. Вазият тақозо этганида у шу қудратни қандай ишлатади, тўғри йўл танлай оладими?

Бу масалаларнинг масаласидир. Бу нарса шубҳасиз, мутахассисларнинг дунёқараш йўналишига, бинобарин, ўртоқлар, сизлар қилаётган ишга жуда кўп даражада боғлиқ бўлади.

Мутахассислар тайёрлашда ижтимоий фан муаллимлари зиммасига нақадар катта масъулият тушади!

Бўлажак инженерлар ва агрономлар, врачлар ва ўқитувчилар ҳозирги замон фани юксак ютуқлари даражасидаги билимларини, профессионал билимдонликларини ғоявий эътиқод, сиёсий етуклик, юксак ахлоқийлик, социал активлик билан қай йўсинда боғлай олишлари сизларнинг студентлар билан таълим-тарбия ишларингизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Азиз ўртоқлар!

Давримиз юксак, ҳатто айтишим мумкинки, қаттиқ талаблар қўйибгина қолмай истеъдодларни очиш, қобилиятли ва талантли одамлардан фойдаланиш учун ҳақиқатда ҳам мислсиз имконият беради.

Ҳамма ерда ишни шундай қўйиш керакки, изланувчан, ижодкор, қайта қуриш ишларида пешқадам бўлиб бораётган кишилар енгил нафас оладиган бўлсинлар, самарали ишласинлар ва яхши яшасинлар. Бу гап ишлаб чиқаришга ҳам, илм-фанга ҳам, санъатга ҳам, ижтимоий ҳаёт фаолиятининг ҳамма соҳаларига ҳам тааллуқлидир.

Шижоатли фан-техника тараққиётининг боришида интеллектуал, илмий потенциал жамиятнинг табиатан энг муҳим битмас-туганмас ресурсига айланмоқда. Жадаллаштириш тарихий вазифаларини ҳал этиш ана шу потенциалдан тўғри, оқилона самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. **Олий мактаб фани** мана шу потенциални сафарбар этишда жуда катта роль ўйнамоғи керак.

Илмий даражалари ва унвонлари бўлган барча олимларнинг ярмига яқини олий таълим системасида банд. Лекин, улар илмий-техникавий ва социал тараққиётга замон талабларига мувофиқ ҳисса қўшаётганмиканлар? Очиғини айтсак, қўшмаяптилар! Олий мактаб фани жамиятдан ҳамон катта қарздор бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий, табиийки ва техника фанлари вакилларининг ҳамкорлигини мустаҳкамламасдан жамиятимиз социал-иқтисодий тараққиётининг комплекс, катта кўламли ва узоқ муддатли программаларини ҳал этиб бўлмаслигини сизларга эслатиб қўймоқчиман. Ҳаддан зиёд, ниҳоятда тор миқёсда ихтисослашиш, билимнинг бошқа соҳаларидаги ютуқларни назар-писанд этмаслик, ҳозирги вақтда илм-фан, шу жумладан жамиятшуносликнинг тараққиёти учун ҳам жиддий тўғаноққа айланмоқда. Экономикада бўлгани сингари фан ва таълим соҳасида маҳкамачилик ғовларини, чунончи олий мактаб, академия фани ва тармоқ фани ўртасидагина эмас, шу билан бирга олий таълим доирасининг ўзида ҳам ўнлаб «департаментлар» орқали қўйилувчи ғовларни қатъиян кўтариб ташламоқ керак.

Мана шу ва бошқа барча масалаларни аввало, иш манфаатларини кўзлаб дадил ўртага қўйиш ва ҳал қилиш керак. Ўшанда жамиятшуносликни қайта қуриш ишлари ҳам жўнашиб кетади. Ўшанда ижтимоий фанлар ҳаёт талабларига, практикага яқинроқ бўлиб қоладн. Ўшанда жамиятшуносликни ўқитиш яна ҳам самарали бўлиб қолади.

Марказий Комитет сизларга ишонади, сизларнинг осон бўлмаган ва жамиятга керакли ишингизда муваффақиятлар тилайди. Лекин, замон талаблари даражасида бўлиш учун қайта қуриш, қайта қурганда ҳам асосли қайта қуриш керак.

Бугунги кунда олдимизда турган катта кўламдаги ниҳоятда мураккаб масалаларга зўр ишонч билан қараймиз: биз шуларнинг ҳаммасини қилишимиз керак, биз буларни қилмаслигимиз мумкин эмас, биз буларни албатта амалга оширамиз!

* * *

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади. У ўртоқ М. С. Горбачевнинг ҳозиргина янграган нутқи партиянинг идеология иши учун, кенгашнинг бундан бўёнги бориши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади. Бу нутқда партиянинг халқни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга, марксизм-ленинизм соҳасидаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга оид кўрсатмалари ривожлантириб берилди.

Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумидан кейинги бутун фаолияти аслида идеологиянинг турмуш билан чамбарчас алоқасини, сўз билан ишнинг бирлигини қатъиян билан қарор топтиришни билдиради, деди сўзини давом эттириб Е. К. Лигачев. Ҳозир совет жамияти қилаётган туб бурилиш ўз моҳияти жиҳатидан революцион характерга эгадир. Бу бурилишни амалга ошириш учун вақт ва ресурслар керак, партия билан халқ жуда катта куч-ғайрат сарфлаши керак, ҳар бир совет кишисининг гражданларча мардлиги ва етуклиги керак. Энг муҳими қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши, партиянинг даъватига амалий иш билан, меҳнатда юксак натижалар билан жавоб бериши зарур.

Яхлит революцион таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм совет жамиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг метин ғоявий негизидир. Бу таълимотнинг зўр ўзгартувчилик кучи унинг доимий янгиланиш қобилияти, ўзи очган ижтимоий тараққиёт қонунларининг илмий объективликги замирида яширинган. Марксизм-ленинизм бизни ишончли метод билан, табиат ва жамиятни билишнинг, тафаккурнинг бенуқсон ишлайдиган қуроли билан қуроллантиради. Бизнинг партиямиз, унинг назариётчи кадрлари янги жамият қурилиши назарияси ва практикаси проблемаларини ишлаб чиқишда жуда кўп хизмат қилганлар. КПСС XXVII съезди материалистик диалектика методини ҳозирги воқеликни анализ қилишга татбиқ этишнинг ажойиб намунасини кўрсатди.

Съезднинг энг муҳим хулосалари мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг яхлит концепциясида умумлаштирилган, бу концепция партиянинг тарихан узоқ давом этадиган даврдаги фаолияти истиқболларини белгилайди. Жонли практикани идрок этишда марксизм-ленинизм назариясининг роли нақадар активроқ бўлса, социализмни такомиллаштириш шу қадар муваффақиятлироқ боришини съезд таъкидлади. Шу муносабат билан жамиятшунослик тадқиқотларининг сифатини ошириш вазифаси катта аҳамият касб этади.

Ўртоқлар, деди сўнгра Е. К. Лигачев, Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида бизнинг фалсафа, иқтисод, бутун жамиятшунослик фанимиз турмуш талабларидан бир мунча йироқда эканлиги тўғрисида чиқарилган хулосага бугунги кенгашимиз алоҳида масъулият билан ёндошиши лозим, десам шу фикрга қўшиларингиз.

Бу хулоса фалсафада ҳам, сиёсий иқтисодда ҳам, тарих фанларида ҳам эришилган ютуқларни инкор қилишни билдирмаслиги ўз-ўзидан равшан. Шундай бўлсада, умуман ижтимоий фанлардаги ишларнинг аҳволи ҳозирча замон талабларига асло жавоб бермайди. Афсуски, бу фанларда юзакичилик, ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатларни зерикарли тарзда такрорлайбериш, янгиликдан чўчиш, догматизм кенг оммалашган. Илмий коллективларда кўпинча гуруҳбозлик, бир-бирини ўзаро кўкларга кўтариш ва мақтанчоқлик авж олмоқда, илм-фандаги ўз ўрнини танқидий баҳолаш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолинган.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ижтимоий фанлардаги камчиликлар ҳақида гапириб, фалсафадаги ишларнинг аҳволига катта эътибор берди. Баъзи олимларнинг ўринишлари билан бу буюк фан ҳозир бу дунёдан жуда олислашиб кетган, деса бўлади, деди у. Бизда кенг ижтимоий фикр мулоҳазаларга сабаб бўладиган, одамларга тушунарли ва мароқли фалсафий асарлар жуда кам. Фан-техника революцияси проблемаларининг кенг комплексига боғишланган сермазмун асарлар оз. Социология тадқиқотлари назарияси ва практикаси замон талабларидан анча орқада қолмоқда. Илмий коммунизм назариясини ривожлантириш ишининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Бу фандан ўз табиатига кўра ҳаёт нафаси сезилиб туриши, кураш эҳтироси қулф уриши керак, бу фан ўз ғоялари билан коммунизм қурилишининг энг илғор позицияларини ёритиб бериши лозим. Бунинг ўрнига мазкур фанда ҳам кўпинча ўша фикр нўноқлигини, гражданларча мардлик йўқлигини (бундай мардликсиз ҳақиқий олим бўлиши мумкин эмас), совет жамияти тараққиётининг ўткир проблемаларини ўрганишга киришишни хоҳламасликни кўриш мумкин.

Партия тарихи тадқиқотларининг ҳозирги ҳолати жиддий ташвиш туғдирмоқда. Кўпгина тарихий воқеалардаги шахслар кўрсатилмаслиги, унинг саҳифалари вақти-вақти билан қайтадан кўчирилаётганлиги бу фандаги ишларнинг аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда. Ленин партиясининг, шу партия атоқли арбобларининг, энг олижаноб идеаллар учун курашга ҳаётини бағишлаган миллион-миллион коммунистларнинг тарихи баъзан куруқ схемага айлантириб қўйилмоқда, тарихга оид кўпгина китоб ва мақолалар ширали тил билан ёзилмаяпти, кенг китобхонлар оммасига етиб бормаяпти. Билимнинг шу тармоғини ривожлантириш учун масъул бўлган муассаса ва ташкилотлар, аввало марксизм-ленинизм институти бу соҳада тўпланиб қолган проблемаларни тушуниб етиши ва уларни ҳал этиш йўлларини топиши лозим.

Сўнгра докладда олий ва ўрта махсус таълимнинг мамлакатда қарор топган системасини қайта қуриш масалалари таҳлил этиб берилди. Олий мактабнинг янги жамият куришдаги муваффақиятлари ҳаммага маълумлиги таъкидланди. Бироқ, кейинги вақтларда унда турғунлик ҳолатлари йиғилиб қолди, мутахассисларни тайёрлашда ялпи кўрсаткичларга қараб иш тутиш ҳукмрон бўлиб олди. Қобилиятли ёшларнинг муаллимлар коллективларига оқиб келиши суст. Бундай аҳвол мамлакат учун мақбул эмас. КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълими қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси олий ўқув юртларининг коллективларидагина эмас, амалда ҳамма жойда муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, марказий нашрларнинг редакцияларига лойиҳа текстига жуда кўп таклифлар ва қўшимчалар юборилди. Лойиҳани ишлаб чиқиш пайтида бу таклиф ва қўшимчаларнинг анчагина қисми эътиборга олинди. Шу сабабли партиянинг олий мактабни қайта қуриш тўғрисидаги асосий ҳужжати миллион-миллион совет кишиларининг коллектив ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси ва орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирди, дейиш мумкин.

Бошланган қайта қуришнинг бош мақсади мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш системасининг самарадорлигини шу мутахассислардан халқ хўжалигида фойдаланишни яхшилаш билан чамбарчас боғлаб, тубдан юксалтиришни таъминлашдан иборат.

Университетларимиз, институтларимизда ўқишга астойдил берилиш, ҳақиқатни билиб олиш, янги илмларни ўрганиш устида қаттиқ фидокорона ишлашга берилиш муҳити ҳукм суриши керак.

Ҳозирги шароитда ёшларни тарих ёрдамида, партия билан халқнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Биз ҳаммамиз аҳолининг истисносиз ҳамма қатламлари ўтмишга, унинг сабоқларига зўр қизиқиш билан қараётганликларининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Аммо ўтмишни идрок қилиш аниқ дунёқараш позицияларидан бориши муҳимдир.

Е. К. Лигачев ёшларни, студентларни атеистик руҳда тарбиялашни яхшилаш масалаларига тўхталди. Биз атеистик тарғиботнинг ва диндорлар билан ишлашнинг янги ёндошувларини, янги йўллари ва формаларини қидиришни давом эттиришимиз керак. Мана шу вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишда олий ўқув юртларининг жамиятшунослари катта роль ўйнашлари мумкин ва лозим.

Олий мактабни қайта қуриш ижтимоий фанлар кафедраларига жуда бевосита даҳлдордир. Хўш, улар ўз ишларини қандай қилиб ва қай жиҳатларини қайта қуришлари керак? Е. К. Лигачев шу саволга жавоб қайтариб, умуман олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўрганиш системаси қарор топганлигини айтди. Бу системадан воз кечиш ҳақида гап бораётгани йўқ. Қайта қуриш аввал дарс бериш сифатини, унинг самарадорлигини тубдан оширишни билдиради. Бунга эришиш учун, **биринчидан,** дарсни практикага қатъият билан яқинлаштириш, лекция ва семинарларни социализм тўғрисидаги жўн тасаввурлардан халос қилиш зарур.

Иккинчидан, қайта қуришнинг энг муҳим жиҳати дарс беришнинг ғоявий —назарий, таълим —методика савиясини оширишдан иборат. Янги дарсликларни тайёрлаш —катта масала. Ҳозирги дарсликлар ўз муддатини ўтаб бўлди. Энди олий ўқув юртлари учун фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм дарсликларини яратиш конкурси бошланди. КПСС тарихи дарслигига ҳам конкурс эълон қилиш мўлжалланмоқда. Янги дарсликлар ҳозирги замон талабларига тўла-тўкис мос бўлиши, ижтимоий фанларни ўқитишни қайта қуриш вазифаларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Учинчидан, қайта қуриш кафедраларининг илмий тадқиқот ишини ҳар томонлама кучайтиришни билдиради. Буни ошириш учун кафедраларнинг илмий ишига бир мақсадни кўзда тутиб, планлаштиришни тезроқ жорий этиш, фаннинг олий ўқув юртлари сектори нодир имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш керак. Шунингдек, олий ўқув юртларини ҳозирги ва ҳатто бераётган тўқиб чиқарилган инструкциялар, буйруқлар, тавсияномалар каби ҳамма нарсани тугатиш лозим. Нутқда олий ва ўрта махсус таълим министрлиги танқид қилинди, министрлик аппарати бюрократик қуюнни вужудга келтиришнинг асосий айбдорлардан биридир.

Олий мактабни, ижтимоий фанлар кафедралари ишини қайта қуриш— муваффақияти ана шу жараёнга партиявий раҳбарликнинг сифатига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир, деди сўнгра Е. К. Лигачев. Олий ўқув юртлари партия ташкилотлари ҳозир 375 мингдан зиёд коммунистни бирлаштириб турибди, уларнинг орасида сал кам 112 минг студент бор. Бу катта куч. бироқ умуман олий ўқув юртларига, айниқса ижтимоий фанлар кафедраларига партиявий раҳбарлик даражасини қатъият билан ошириш зарур.

Профессор — ўқитувчи кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш партиявий раҳбарликнинг асосий бўғинидир. Ўқитувчининг интеллектуал, ғоявий-сиёсий ва маънавий сифатлари таълим—тарбия жараёнларида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Раҳбар кадрларимиз, область ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, министрлар, бошқа партия, хўжалик совет ходимлари студент ёшларни тарбиялашда янада кенгроқ ва активроқ иштирок этишлари керак. Бунинг учун вақтни аямаслик лозим. Ахир гап мамлакатимизнинг эртанги куни тўғрисида, меҳнат коллективларига бошчилик қиладиган одамлар тўғрисида бормоқда. Биз партия сиёсатини, марксча—ленинча идеологияни ана шу кишилар орқали ўтказамиз.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртлари жамиятшунослари коллективларини—шакллантиришда ҳал этишни талаб қилаётган кўп масалалар тўпланиб қолди. Марказий Комитетнинг ўқитувчилар малакасини ошириш системасини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори тўла-тўкис бажарилганича йўқ. Бошқа масалалар ҳам бор. Масалан, ҳозир ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг салкам 5 минг нафари базавий университет таълимига эга эмас. Айни пайтда умуман мамлакат бўйича, жамиятшунослик ихтисосликлари юзасидан университетларни битирганларнинг ярмигина ўз касби бўйича ишлаш имкониятига эга. Жамиятшунослик факультетларига студентларни қабул қилиш практикасини ҳам яхшилаш лозим.

Партия ташкилотлари олий ўқув юртларида, ўқитувчилар орасида танқид ва ўз-ўзини танқидни, ошкораликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу ерда ана шу жараён очиқдан-очиқ тўхтатиб қўйилган.

Партиямиз XXVII съезди: бирорта ташкилот ҳам, бирорта раҳбар ҳам контролдан ташқарида, танқиддан ташқарида бўлмаслиги керак, деб эълон қилди. Бу принципни бузиш нималарга олиб келишини халқаро муносабатлар институти ва дипломатия академияси мисолида кўриш мумкин. Москва Давлат халқаро муносабатлар институтида ҳамда академияда масалаларни тор доирада ҳал этиш практикаси, кадрларни танлашдаги оилавийлик, лагонбардорлик ва принципсизликни авж олдириш, коллективнинг соғлом фикрига қулоқ солмаслик — буларнинг ҳаммаси жиддий салбий ҳодисаларни келтириб, чиқарди ва шунга олиб келдики, институт ҳамда академия коммунистлари пировард натижада ўз раҳбарларига ишонмай қўйдилар, институт ректорини эса партия сафидан ўчирдилар.

Олий ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш олий мактабга партиявий раҳбарликни яхшилашда биринчи даражали аҳамиятга эга. Бусиз қайта қуриш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди, ижтимоий фанларни ўқитиш ишини юқори даражага кўтариб бўлмайди. Айни бошланғич партия ташкилотлари қайта қуришнинг бутун боришини контрол қилиб туришлари, олий ўқув юртни коллективлари ҳаётида демократик, ўз-ўзини бошқариш асосларини кенгайтиришни таъминлашлари, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ролини оширишлари, олий ўқув юрти барча илмий педагогик кадрлари марксча-ленинча тайёргарлиги яхшиланишига эришишлари, бунда ижтимоий фанлар кафедралари ролини оширишлари керак.

Е. К. Лигачев пировардида давлат олий мактаб эҳтиёжлари учун катта маблағ сарфлаётганлигини таъкидлади. Лекин қайта қуришни фақат ана шу маблағ ҳисобидан амалга оширишга кўз тутиш нотўғри бўлур эди. Олий мактабни қайта қуришни тасарруфимизда мавжуд бўлган ҳамма нарсани тўла тартибга солишдан, давлат белгилаган топшириқларни сўзсиз бажаришдан бошлаш керак.

Жамиятшунослар учун бошланган ўқув йили — студентлар ва ўқувчи ёшлар, профессор-ўқитувчилар коллективлари КПСС XXVII съезди материалларини чуқур ўрганадиган йилдир. Съезд ҳужжатларидаги ғояларнинг бутун бойлигини ва мақсадларнинг кўламларини мамлакатимиз ёш авлодига етказишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Съезд қабул қилган қарорларнинг бурилиш, чуқур новаторлик характерини, уларнинг партиямиз фаолияти туб марксча-ленинча принциплари билан уйғун боғлиқлигини, ижтимоий тараққиётнинг коммунистик истиқболларига эришиш учун уларнинг жуда катта тарихий аҳамиятини ишонарли тарзда кўрсатиб бериш муҳимдир. Съезд ғояларини пропаганда қилиш, ўрганиш ва амалга ошириш — ҳозир олий ўқув юртлари жамиятшуносларининг энг муҳим иши бўлиб, ҳар бир жамиятшунос ўқитувчи ўзининг бутун педагогик истеъдодини, билими ва куч-ғайратини шу ишга сарфлаши лозим.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри **Г. А. Ягодин** «КПСС XXVII съезди ва ижтимоий фанлар кафедраларининг вазифалари» мавзусида доклад қилди. У олий мактабни ривожлантириш тўғрисида талабчанлик билан ғамхўрлик қилаётгани учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик билдириб, давр ижтимоий фанларни ўқитишни тубдан яхшилаш ва марксча-ленинча назарияни ривожлантириш юзасидан зўр ғайрат билан иш олиб боришни тақозо этаётганлиги таъкидлади.

Партия XXVII съезди ишлаб чиққан мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини амалга ошириш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини, шу жумладан олий ва ўрта махсус таълимни ҳам чуқур қайта қуришни талаб қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси маориф, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни, олий таълимнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан ўзаро муносабатларида янги принципларга ўтишни белгилайди, студентнинг мустақиллигини, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришни, танлаб олган касбига, социалистик ватаннинг граждани сифатида камол топишига масъулият билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни кўзда тутади.

Олий мактабни қайта қуриш учун ижтимоий фанлар кафедраларининг партия олдидаги масъулияти алоҳидадир. Олий ўқув юртлари жамиятшуносларининг бурчи — қайта қуришнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишдан иборат. Жамиятшунос ўқитувчилар — олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг илғор отрядидир. Улар олий ўқув юртларида ишчанлик, талабчанлик, сўз ва иш бирлиги, ўртоқларча танқид ва ўзаро ёрдам муҳити вужудга келтирилиши учун — мавжуд камчиликларни тезроқ ва самаралироқ тугатиш, партия XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун кенг жабҳада курашни авж олдириш имконини берадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш учун ҳамма ишларни қила оладилар ва қилишлари керак.

Ижтимоий фанларни ўқитишда энг муҳими унинг сифатидир. Ўқитиш мазмунини ижодий янгилаш, унинг методикасида қотиб қолган расмиятчилик, сиёсий конъюнктура ва хўжакўрсинлик касалликларини бартараф этиш талаб қилинади. Ҳозир олий таълимнинг ўқув программаси мазмунини ва бутун методик қуролларини жиддий равишда янгилаш иш марказида турибди. Марксча-ленинча назарияни ўрганишда, унинг таркибий қисмлари бир-бирига яхлит сингиб кетишини таъминлашда, КПСС тарихий тажрибаси ва унинг ҳозирги кундаги революцион практикасини ўрганишда янги, яхлитликнинг янада юқорироқ даражасини таъминлаш муҳимдир. Марксизм-ленинизм фани юзасидан давлат имтиҳонининг жорий этилиши ҳам революцион таълимотни яхлит эгаллашга хизмат қилади. Марксизм-ленинизм юзасидан бўладиган давлат имтиҳони олий мактабни битирувчилар учун ҳозирги даврдагига нисбатан анча ҳар томонлама ғоявий-назарий ва ижтимоий-сиёсий аттестация бўлади. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги сиёсий адабиёт нашриёти билан биргаликда очиқ конкурслар якунлари юзасидан 1988 йилда философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм дарсликларини нашр этишни планлаштирмоқда.

Ижтимоий фанларнинг умумий илмий ва махсус фанлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ижтимоий фанларни ўқитиш сифатини оширишнинг муҳим резервидир, деб таъкидланди докладда.

Ўқитувчиларнинг профессионал маҳоратлари ўсишининг асосий шарти бўлган илмий фаолият соҳасида ҳам қайта қуриш бошланди. Сўнгги вақтда олий ўқув юртлари жамиятшуносларининг конкрет социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишдаги ништироки анча ошди.

Нотиқ қайта қуриш студент ёшларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат, маънавий ва эстетик тарбиясини жиддий равишда яхшилашни талаб қилаётганлигини уқтириб, мана шу кўп қиррали ишда ижтимоий фанлар кафедралари масъулиятли ва тобора активроқ роль ўйнаши кераклигини айтди. Уларнинг вазифаси — студентларда ўқув меҳнати сифати учун жавобгарлик туйғусини тарбиялашдан, қаттиқ талабчанлик муҳитини яратишдан иборат.

Давримизнинг бурилиш характери, икки жаҳон системасининг бир-бирига қарама-қарши кураши студентларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳушёрлигини ошириш заруратини олга сурмоқда. Ҳозир ижтимоий фанлар кафедралари олдида бўлажак ҳар бир мутахассис аниқ синфий позиция эгаллашига эришиш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам ўткир бўлиб турибди.

Нотиқ олий мактаб талабларида сиёсий ва маънавий маданиятни тарбиялаш проблемаларига тўхталиб, эътиборни ватаннинг тарихий ўтмишини ўрганишнинг муҳимлигига, атеистик тарбия проблемаларига, кишиларнинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишига, соғлом, маданий ва ҳушёр турмуш тарзи нормалари ва анъаналарини қарор топтиришга қаратди.

Ижтимоий фанлар кафедралари ишини қайта қуриш ва сифатини ошириш кадрлар составига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлигини таъкидлаб, докладчи пировардида бундай деди: қайта қуришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Ана шу ҳаётий жараёнда ўз ўрнини топиб олиш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир гражданнинг бурчидир.

Шундан кейин музокаралар бошланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

1 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчилари билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан семинар қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қизғин қутлади.

Учрашувда Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Рейкьявик шаҳрида 11—12 октябрь куни бўладиган учрашуви ҳақидаги хабарни чуқур мамнунлик билан қабул қилганликлари таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон жамоатчилиги очилаётган семинарни тинчлик тарафдорлари ҳаракатини кенгайтиришга, ёш авлоднинг бахтли келажаги учун курашга, Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлари ҳиссасини оширишга қодир бўлган муҳим воқеа деб баҳоламоқда. Семинар ер юзи халқлари ҳаётидаги жуда мураккаб ва масъулиятли даврда ўтмоқда. Жаҳон оммавий қирғин қуролларига тўлиб-тошиб кетган ҳозирги кунда янги уруш инсоният учун чинакам ҳалокатга айланиб кетиши мумкин. Шу боисдан ҳам Совет Иттифоқи қурол-яроғларни кўпайтиришни тўхтатиш, ядро хавфини қамайтириш ва оқибат-натижада бу хавфни бартараф этишни ўз ташқи сиёсатининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Бир йилдан бери Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан ядро қуроли синовларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб келмоқда. Ядро асрида инсониятнинг келажагини қадрлайдиган барча кишилар СССР-нинг энг муҳим тинчлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Учрашувда КПСС XXVII съезди халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратишни ёқлаб чиққанлиги таъкидлаб ўтилди. Осиё ва Тинч океанидек жуда катта региондаги вазиятни нормаллаштирмай туриб бундай системани яратиш мумкин эмас. Бу регионда миллиардлаб одамлар яшамоқда ва мураккаб проблемаларни ҳал этаётган ўнлаб давлатлар бор. Аммо бу проблемалар орасида энг асосийси атом уруши хавфининг олдини олишдир. Осиё — Тинч океан регионида халқаро хавфсизликни ва тинч ҳамкорликни таъминлаш программаси Совет Иттифоқи томонидан илгари сурилганди.

Семинар қатнашчилари мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг стратегиясини ишлаб чиққан партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида ҳозирги кунда республика меҳнаткашлари қандай ишлаётганликлари билан таништирилди. Республикада содир бўлган революцион ўзгартишларда хотин-қизларнинг улуши катта эканлиги учрашувда таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёт барча жабҳаларидаги хизматлари кенг кўламда эътироф этилди, улар мамлакатнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришда, тинчлик учун курашда актив қатнашмоқдалар.

Учрашувда совет хотин-қизлар комитетининг раиси В. В. Терешкова, Монголия тинчликни ҳимоя қилиш комитети раисининг ўринбосари С. Уд

ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ ОЛДИДАН

МАОРИФЧИЛАР ОИЛАСИ

ЎЗ КАСБИГА астойдил ихлос қўйган, меҳнатсевар ва ташаббускор кишилар дарров эл-юрт назарига тушади. Обиджон Одилов ҳам ана шундай фазилатлари билан эътибор қозонди. У меҳнат фаолиятини Тошкент районидаги 17-ўрта мактабда пионервожатийликдан бошлади. Сўнгра ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлади. Назарий ва амалий билимини ҳамиша ошириб боришга ҳаракат қилди.

Область халқ маорифи бўлимининг тавсияси билан Бекобод шаҳридаги 3-ўрта мактабда илмий бўлим мудири, кейинчалик директор бўлиб ишлади. 1961 йили эса у Тошкент районидаги 9-ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлди. Сўнгра 20 йил давомида О. Одилов «Правда» номли 19-ўрта мактабнинг директори сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

Обиджон қаерда ишламасин, фан кабинетлари ташкил этиш, уларни зарур ўқув қуроллари билан жиҳозлаш, таълим-тарбиянинг самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишқонқуярлик қилиб келди.

Бу йил О. Одиловни В. И. Ленин номидаги 7-ўрта мактабга директор қилиб тайинлашди. Обиджон шу кунларда мазкур коллективга раҳбарлик қилиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, ўқув-тарбия жараёнини ислоҳот талаблари асосида қайта қуришга алоҳида аҳамият бермоқда.

1956 йилдан буён КПСС аъзоси О. Одиловнинг халқ маорифимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Эндиликда унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони безаб турибди.

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, О. Одиловнинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, ўқитувчи деган шарафли касбни эъзозлаб келишмоқда. Обиджоннинг қизлари Муҳайё, Муҳаббат, Саида, Маҳмуда, ўғли Мирҳамид, келини Маъруфа Тошкент области ва пойтахтимиздаги мактабларда ёш авлодга турли фанлардан дарс беришмоқда.

Тажрибали педагог ва жонқуяр ташкилотчи Обиджон Одилов актив жамоатчи ҳамдир. У Ҳасанбой қишлоқ Советининг депутати сифатида Охунбобоев номли колхознинг Киров участкасидаги Зебуннисо номли маҳаллани ободонлаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Пропагандист сифатида эса меҳнаткашлар ўртасида тез-тез қизиқарли суҳбатлар уюштириб, турли мавзуларда лекциялар ўқиб туради.

З. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ маорифи аълочиси.

Суратда: педагог Обиджон Одилов онласи.

АВТОР фотоси.

Доимий комиссиялар фаолиятидан

ТАВСИЯЛАР ФОЙДА БЕРАЯПТИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ Олмалиқ шаҳар Советининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисида шаҳар корхоналарига қарашли шифохоналар бош врачларининг мавжуд санаторий-профилакторийлардан оналар ва болалар соғлиғини тиклашда қандай фойдаланилаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглашга қарор қилди. Шу муносабат билан комиссия аъзолари конкрет вазифалар олишиб, мажлисга материаллар тўплашга киришдилар. Жойлардаги аҳвол чуқур ва атрофлича ўрганилди.

Шифохона ва соғломлаштириш муассасаларидаги шарт-шароитлардан тўла хабардор бўлган депутатлар мажлисда камчиликларни кўрсатиш билан бирга аҳволни яхшилаш юзасидан тавсиялар ҳам бердилар. Жумладан, доимий комиссия Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трести ва химия заводи маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотларига ёз мавсумида оналар ва болаларнинг биргаликда иккиталик сменада дам олиб, даволанишларини йўлга қўйишни маслаҳат бердилар. Чунки ўтган йилги мавсумда шу корхоналарнинг шифохоналарида 24 кун давомида 234 нафар бола ва шунча она соғлиғини тиклади, холос. Бу имконият даражасидагидан анча кам, албатта. Бу йил эса санаторий-профилакторийлар икки сменада қабул қилиб, врач-педиатрлар билан таъминланди. Шунинг учун жами 48 кун давомида 450 нафар, яъни ўтган мавсумдагидан деярли тенг баравар кўп она ва бола ҳордиқ чиқариб, соғлиғини тиклади.

Доимий комиссия шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисларидан бирига область партия комитети ва область ижроия комитетининг «Мактабгача тарбияни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги масаласини тайёрлади. Комиссиянинг танқидий фикр-мулоҳазалари эътиборга олиниб, зарур чоралар кўрилди. Натижада кон-металлургия комбинатининг 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши тезлаштирилиб, фойдаланишга топширилди ва болаларнинг ўйин майдонлари керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Аммо тавсия бериш билан камчиликлар тугатилиб, ишлар юришиб кетавермайди. Шунинг учун ҳам доимий комиссия ўз тавсияларининг ижросини изчил назорат қилиб боради. Мана бир мисол: комиссия аъзолари кон-металлургия комбинати ишчилар таъминоти бошқармасининг мактабгача ёшдаги болалар ва медицина муассасаларини маҳсулотлар билан қай даражада таъминланаётганини текширди. Сўнг даволаш-профилактика ва болалар муассасалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда шифохона ҳамда болалар боғча-яслиларининг буюртмаларига мувофиқ мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш графигини ишлаб чиқди, унга қатъий амал қилишини назорат остига олди. Шундан кейин маҳсулот таъминотида тартиб ўрнатилиб, турлари кўпайди, сифати яхшиланди.

Шаҳар социал таъминот бўлимининг кўп болали оналарга давлат нафақаларини белгилаш ва ўз вақтида тўлаб бориш соҳасидаги ишини чуқур ўрганган доимий комиссия аъзолари болали, айниқса, кўп болали оналарга нисбатан етарли ғамхўрлик қилинмаётганлиги, улар ижтимоий меҳнатга яхши жалб этилмаётганлиги, ҳукумат мукофотларининг тантанали вазиятларда топширилмаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Бу ишларни жонлантириш юзасидан берган тавсияларида жумладан, шаҳар социал таъминот бўлими томонидан «Оналар шуҳрати» клубини ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Ҳозир «Химик» маданият саройида ана шундай клуб ишлаб турипти.

Шаҳар маданият бўлими, маданият уйлари ва саройлари ҳам комиссия аъзоларининг тавсиялари билан фақат клуб муассасаларидагина эмас, балки турар-жойларда ҳам аёллар билан ишлашни кенг йўлга қўймоқдалар. Геологлар посёлкасида уюштирилган шундай тадбир катта байрам тусини олди. Спорт майдонларидаги мусобақалар қизғин ўтди. Турли китоб ва тайёр масаллиқлар савдоси кечгача давом этди. Ўрта мактаб ўқувчилари ва болалар боғчаларининг тарбияланувчилари ўз оналари учун махсус концерт программасини намойиш этдилар.

Бироқ, эътироф этиш керакки, доимий комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифани тўла-тўкис бажаряпти, деб бўлмайди. Аввало комиссия аъзоларидан айримларининг депутатлик бурчларини изчиллик билан адо этмаётганликларини таъкидлаш керак. Улар район ижроия комитети мажлисига масала тайёрлашда қатнашмайдилар, тавсияларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатмайдилар, комиссия мажлисларида фаол иштирок этмайдилар.

Айрим депутатларнинг ана шундай лоқайдлиги туфайли доимий комиссия темир-бетон конструкциялари заводи, 6-гишт заводлари бошқармаси, мис бойитиш ва гилам фабрикаларида хотин-қиз ишчиларнинг меҳнат, дам олиш ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тавсияларининг тўла бажаилишига эриша олмади. Комиссиянинг район ижроия комитетининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қарорлари ижросини назорат қилишдаги таъсири ҳам яққол сезилмаяпти. Доимий комиссия ана шу камчиликларни тезроқ бартараф этиш чораларини кўриши керак.

Л. ЛАВРИНА.

◆ АКБАР Тўрахонов Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг илғор механизаторларидан. У айни кунларда пахта йиғим-теримида жонбозлик кўрсатиб, хўжалик хирмонига баракали ҳисса қўшмоқда. Суратда: мусобақа пешқадами А. Тўрахонов.

А. Зуфаров фотоси.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Нюрнбергда халқаро ҳарбий трибунал ўз ишини якунлаганига 40 йил тўлган бўлса ҳам, у чиқарган қаттиқ ва адолатли ҳукм ҳозир ҳам бутун дунёда эътиборни мунтазам ўзига тортиб турибди. 30 сентябрь куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот Марказида Нюрнберг суди тугаганининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказилган матбуот конференциясида СССР Бош прокурори А. М. Рекунков ана шуни таъкидлади.

Иккинчи жаҳон уруши оқибатида 50 миллиондан кўпроқ кишининг ёстиғи қуриди, шу жумладан совет халқи ўзининг 20 миллион йигит-қизидан жудо бўлди. Тарихда ана шундай вақтларча қирғингарчилик уруши бўлмаган эди. Гитлерчилар қамоқ лагерларида, крематорийларда одамларни ялписига қириб, тинч аҳоли ва ҳарбий асирларни отиб ташлаб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликлар қилдилар, одамларни ялписига қириб ташлаш ажалхоналарини вужудга келтирдилар.

Нюрнбергда фашизм, унинг илҳомчилари суд қилинди. Урушнинг дастлабки давридаёқ совет ҳукумати фашизмни яксон этишнинг, урушдан кейинги аҳволни тинч демократик бартараф этишнинг конкрет программасини таърифлаб берган эди. Мамлакатлар ва халқларга қарши ваҳшиёна урушни бошлаган, инсониятга қарши жиноятлар уюштирган кимсаларни қаттиқ жазолаш талаби ана шу программанинг ажралмас қисми бўлди.

Озодлик ва бутун инсониятнинг прогрессив тараққиётига таҳдид қилган фашизмга қарши курашнинг ниҳоятда зарурлиги тарихда биринчи бор турли социал-сиёсий кучларнинг халқаро фронтини яратишга имкон берди. Гитлерга қарши коалициянинг тузилиши урушнинг кейинги бутун боришига таъсир ўтказди. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигининг кенг имкониятларини намойиш этди.

Халқаро ҳарбий трибуналнинг уставига мувофиқ 24 нафар асосий фашист жиноятчиларга тинчликка қарши жиноятларда, ҳарбий жиноятларда, инсонийликка қарши жиноятларда айб қўйилди. Тарихда биринчи бор судланувчиларнинг ўзигина эмас, улар орқали жиноятчи муассасалар ва ташкилотлар, инсонга нафрат руҳидаги «назариялар» ва «ғоялар» ҳам суд қилинди.

Нюрнберг судининг тарихий аҳамияти шундаки, учинчи рейх бошлиқларини жазолади, халқаро муносабатларда янги принципларга асос солди. Ҳукмда таъкидлаб ўтилганидек. «Босқинчилик урушларни бошлаш халқаро характердаги жиноятнинг ўзигина эмас. Бу жуда оғир халқаро жиноятдир». Бундай хулоса бугун ҳам халқларнинг тинчлиги ва озодлигига путур етказиб, жаҳонга ҳукмронликни орзу қилаётган кимсаларни ўйлаб кўришга мажбур этмоғи лозим.

Совет Иттифоқи яширинниб юрган нацист жиноятчиларни адолатли жазолашга қаратилган куч-ғайратларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг мамлакатимиз ўзининг халқаро мажбуриятларини оғишмай бажариб келмоқда, биз гитлерчи жиноятчилар, уларнинг гумашталари ва издошларини жиноятларига яраша жазолашга ҳаракат қилаётган барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Сўнгги беш йил мобайнида фашист жазо отрядларининг 60 аъзоси совет қонунларига мувофиқ жазоланди.

Аммо Нюрнберг трибуналининг уставида ва ҳукмининг ҳуқуқий принципларини баъзи жойларда йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Германия Федератив Республикасининг ашаддий реакцион доиралари трибунал қарорларига жон-жаҳдлари билан хуруж қилмоқдалар. Фактларга қарама-қарши тарзда улар Нюрнберг судини «ўч олиш» деб исботлашга, бу қарорларнинг ҳуқуқий негизини инкор этишга уринмоқдалар. Ана шундай уринишлар яроқсизлигини ўз халқим номидан айтиб қўйишим керак.

Таассуф билан шуни қайд этиш керакки, ГФР, Канада ва бошқа бир қанча мамлакатларда яшаётган собиқ нацистлар жиноятларини тергов қилиш ва уларни жазолаш юзасидан халқаро ҳамкорлик соҳасида мушкулликлар бор эди ва бу мушкулликлар ҳозир ҳам мавжуд. Америка маъмуриятининг сўзи ва шундан кейин қилаётган ишлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Матбуотнинг хабарларига қараганда, ҳозирги вақтда АҚШда 10 минг нацист жиноятчи яшаб турибди. Совет мамлакатида мислсиз ёвузликлар қилишда айбдор бўлган кўп ҳарбий жиноятчиларни СССР ихтиёрига бериш ҳақидаги таклифларга рад жавоби берилди.

Ғарбда уруш арафасида бизнинг тинчлик ташаббусларимизга қулоқ солишни истамаганликларини тарих унутмасликка даъват этмоқда. Бу қандай оқибатларга олиб келганлигини ҳозир ҳамма билади.

Агрессия ва янги уруш очиш сиёсатига КПСС ва Совет давлати тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини қарама-қарши қилиб қўймоқдалар. Бу ленинча сиёсатдир ва биз бу сиёсатдан чекинмаймиз. КПСС XXVII съездининг қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотларида Совет Иттифоқининг конкрет ва кенг қамровли тинчлик ташаббуслари баён этилган. Бутун совет халқи қўллаб-қувватлаётган бизнинг принципиал позициямиз ана шундайдир. Бу йўл бутун инсониятнинг манфаатларига мос келади.

Нюрнберг суди, деб уқтирди СССР Бош прокурори, бу — фашизмга қарши урушдаги сўнгги нуқтагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга янги уруш оловини ёқувчиларга даҳшатли огоҳлантиришдир, бу — ақл-идрок, демократия ва тараққиёт кучларининг тантанасидир, бу — Европа ва бошқа қитъалар бундан буёнги тинч тараққиётининг негизидир.

А. М. Рекунков, шунингдек СССР Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари В. В. Пустогаров ҳамда Нюрнберг судидаги СССР Бош айбловчисининг ёрдамчиси М. Ю. Рагинский совет ва чет эллик мухбирларнинг саволларига жавоб бердилар.

Журналистларга ҳужжатли фильмлар марказий студияси ижодий коллективи яратган «Нюрнберг: 40 йил ўтганидан кейин» янги публицистик кинолентаси намойиш этилди.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МЎЛ ОЗУҚА ЖАМҒАРИЛДИ

● ПАРКЕНТ. Калинин номли совхоз озуқакорлари қишлов учун мўл ем-хашак жамғардилар. Шу кунгача дала 1185 тонна беда пичани, 356 тонна табиий пичан, 322 тонна сенаж ва 1937 тонна сомон ғамланди ва бу соҳада белгиланган топшириқ муддатидан илгари бажарилди.

Шу райондаги «Гулбоғ» совхозининг Мирдовит Ғуломов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари районда биринчилар қатори давлатга картошка сотиш планини бажардилар. Ҳозиргача савдо шахобчаларига йиллик планда кўзда тутилган 550 тонна ўрнига 551,6 тонна картошка етказиб бердилар. Ҳосилдорлик ўртача 220 центнерданга тўғри келди.

Ҳозирги кунда бригадада 25 гектар ердаги кечки картошка парваришланяпти.

М. МИРКАМОЛОВ.

ЎРМОНЧИЛАР ИШ УСТИДА

● ОҲАНГАРОН. Ўрмон хўжалиги ходимлари давлатга мева ва шифобахш гиёҳлар етказиб бериш билан бирга областимиз хўжаликларига кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳам сотмоқдалар. Хўжаликда йил бошидан буён 162 тонна мева, 2250 килограмм шифобахш гиёҳ тайёрланди, шунингдек, 500 мингдан зиёд дарахт кўчатлари сотилди.

Айни пайтда хўжаликда пайвандлаш ишлари якунланмоқда. Бу ерда кўплаб миқдорда олча, гилос, шафтоли ва олма кўчатларига куртак пайванди ўтказилди.

Н. ДУШАЕВ.

ЯНГИ ЦЕХДА ИШ ҚИЗҒИН

● ТОШКЕНТ. Райондаги Навоий номли колхозда бир кунда 100 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цехнинг ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу кунларда мазкур цехда хўжалик далаларида етиштирилган помидор ҳосилидан кунига 60—70 тоннаси қайта ишланиб, консерва заводига жўнатилмоқда. Оператор Ғофур Неъматов, цех ишчиларидан Ханифа Рисбоева, Гулчеҳра Қонатова, шоферлардан Юнус Исломов, Саидаҳмад Орипов ва Султон Раҳмоновлар цехнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Т. ЖУРАЕВ.

МЎЛЖАЛДАГИДАН ОРТИҚ

● КАЛИНИН. Райондаги «Москва» совхозида 100 гектар майдонда эски ва 65 гектар ерда янги бедазор бор. Хўжалик озуқакорларининг самарали меҳнатлари туфайли беданинг учинчи ўримидаёқ кўзда тутилган 570 тонна ўрнига 592 тонна хашак жамғарилди. Ҳозир беданинг тўртинчи ўрими тугалланяпти.

Хўжаликда маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган майдонларга оралиқ экин экиш давом этмоқда. Шу кунгача 60 гектар майдон шудгорланиб, пиёз уруғи сепилди. Бу ишда, айниқса, механизаторлардан Ориф Каримов, Шариф Абдуллаевларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

И. ҚОСИМОВ.

ТАШАББУСКОР АЁЛ

● ОҚҚЎРҒОН. Хонзода Киборова асли деҳқон қизи. Мана, ўн саккиз йилдирки, у Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозда меҳнат қилади. Ҳар йили бўлганидек бу мавсумда ҳам у ўзига бириктирилган пахта майдонида астойдил ишлади. Ғўзаларни меҳр билан парваришлаб, бегона ўт босишига, касалликка чалинишига йўл қўймади. Натижада пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Тўққиз фарзанднинг онаси бўлган Хонзода ая пахта йиғим-теримида ҳам актив иштирок этмоқда, хирмонга қут-барака қўшмоқда. Унинг нияти мавсум охиригача беш тонналик хирмон уйишдир.

Шу райондаги Охунбобоев номли колхознинг С. Жўманов бошлиқ бригадаси деҳқонлари Гулсора Отабоева, Турдихол Шойзоқова, Зуҳра Турсуновалар ҳам дала ишларида кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

О. ТУРАҚУЛОВ,
Қ. РАЖАБОВ.

35 ЦЕНТНЕРДАН БЎЛАДИ

● БУКА. Райондаги «Партия XIX съезди» колхозининг Бухалча Жўманова бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 94 гектар майдонда пахта етиштиришди. Ғўза парвариши тўла агротехника қоидалари асосида амалга оширилганлиги туфайли далаларда ҳосил мўл бўлди. Коллектив аъзолари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишди.

Кун сайин коллектив хирмони юксалиб бормоқда.

Н. ТУРСУНОВ.

ПУДРАТ УСУЛИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

● ЯНГИЙЎЛ. «Ленинизм» колхозининг Маҳмуд Ортиқов бошлиқ бригадаси аъзолари ўз ишларини пудрат усули асосида ташкил этишган. Коллектив аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 36 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар. Коллективда бригада Совети тузилган. Совет аъзолари колхозчилар ўртасида меҳнат интизомига риоя қилиниши, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам хўжаликда йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Р. БЕГАЛИЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

30 ЙИЛ КОНДА

БУ ЙИЛ Тиллахўжа аканинг ҳаётида унутилмас сана битилади — шахтёрлик фаолиятини бошлаганига 30 йил тўлади. Конда 30 йил! Айтишгагина осон. Ахир бу 30 йилнинг ҳар бир куни ер остидаги шахталарда кўмир қазиб чиқариш билан банд бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

— Киши қаерда бўлмасин ўзи севган касбида ишласа унинг ҳеч қандай оғир-енгилликлари сезилмайди, — дейди Тиллахўжа ака. — Мен ҳам ўз севган касбимда ишлаяпман. Зеро, бу касбни севмасдан туриб 30 йил конда меҳнат қилиш мумкин эмас.

1956 йилнинг кузида Тиллахўжа тенгдошлари қатори армия хизматига чақирилди. Хизматни машҳур Алексей Стахановнинг юрти Донбассда ўташга тўғри келди.

Ўз юртига — Ангренга қайтгач бир мунча муддат шаҳар қурилишларида меҳнат қилди. Бироқ, кончилик касби оқанрабодек уни ўзига чорлайверди. Ниҳоят, 1968 йилда 9-шахтага ишга келди.

Тиллахўжа Қурбонов бошлиқ бригада энг илғорлардан ҳисобланади. Улар — 12 нафар йигит бир оила фарзандларидек фидокорона меҳнат қилишмоқда. Виктор Колганов, Сергей Комендатов, Қамбарали Абдуллаев, Мамажон Қамбаров каби пешқадам шахтёрлар эса бригадир Тиллахўжа Қурбоновнинг шогирдларидир. Илғор бригада азаматлари ҳар сменада 200 тонна ва ундан ҳам ошириб кўмир қазиб олмоқдалар. Уларнинг ҳар бири 6 соат ичида 15 тонна кўмир қазиб чиқаради!

Ташаббускорлик, олий ҳиммат Тиллахўжа Қурбоновга ёшлигидан одат бўлган фазилатлардир. Шунинг учун ҳам унинг бригадаси ҳамиша мусобақа ғолиблари сафидан ўрин олади. Фақат ишлаб чиқариш план-топшириқларини ошириб бажариш билан чекланибгина қолмай, улар катта коллективнинг, қолаверса бутун мамлакатнинг қувончу ташвишлари билан ҳамнафасдирлар. Хусусан Чернобиль атом электр станциясида содир бўлган кўнгилсиз воқеага бригада аъзолари дастлабкилардан бўлиб ҳамдардлик билдиришди. Улар ўша куниёқ ўзаро маслаҳатлашиб бир кунлик иш ҳақини 904-счётга ўтказдилар.

Тиллахўжа Қурбоновнинг кўп йиллик шарафли меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. У «фахрий шахтёр» унвонига эга. Ўтган йили эса пойтахт областимизда энг яхши кончига бериладиган «Шахтёр» область мукофотининг лауреати бўлди.

Бу оқшом Тиллахўжа ака яна учинчи сменада ишга шошиляпти. У ер остига, меҳнат постига отланмоқда. Қазиб чиқараётган кўмирларингиз фақат тинчликка, одамларнинг фаровонлигига, уларнинг хонадонини ва қалбини иситишга хизмат қилсин, Тиллахўжа ака!

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Чет эл хабарлари

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИ ЛИВАНДА ИҒВОГАРЛИКЛАРНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

БАЙРУТ, 30 сентябрь. (ТАСС). Ливаннинг жанубидан олинган хабарларга кўра, Исроил ҳарбийлари «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зонадаги аҳоли пунктларини яна тўпга тутди. Босқинчиларнинг танклари Зиллая қишлоғидаги Ливан армияси постини ўққа тутди. Сотқинлар араб Салим-дайр Заҳрони йўлида автомашинага қарата ўт очдилар ва машинадаги йўловчиларни ярадор қилдилар. Исроил авиацияси Ливан территорияси устидан учишларни кучайтирди.

Байрутдаги демаркация линиясида ўтган кечаси қаршима-қарши гуруҳлар ўртасида яна отишмалар юз берди. Тинч аҳоли ўртасида яраланганлар бор.

Ливан ватанпарварлари босқинчилар ва уларнинг мамлакат жанубидаги гумашталари позицияларига неча бор ҳужум қилдилар. Босқинчиларнинг автомашинаси Мажидия қишлоғи яқинида партизанлар қўйган минани босиб портлаб кетди. Сайдадан шарқда миллий ватанпарвар кучларнинг отрядлари билан қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси» ўртасидаги қуролли тўқнашувлар тўхтамаяпти.

Душманларнинг яна бир жинояти

КОБУЛ, 30 сентябрь. (ТАСС). Афғон аксилинқилобчилари яна бир жиноятни амалга оширдилар. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, улар 28 сентябрь куни Кобулдаги мактабларнинг бири ва СССР савдо ваколатхонаси яқинида кучли портловчи қурилмаси бўлган автомобилни қолдириб кетдилар. Машғулотлар тамом бўлиб, ўқувчилар уйларига қайтаётган бир пайтда портлаш рўй берди. Ана шу ваҳшиёна иш натижасида уч киши, шу жумладан икки ўқувчи ҳалок бўлди. Яқин атрофдаги иморатларга шикаст етказилди.

БАХТАР агентлиги Кобул аҳолисини ана шу ёвузлик қатнашчиларини қўлга туширишда давлат хавфсизлиги органларига ёрдам беришга чақирди. Аксилинқилобчиларга қарши жанг қилаётган давлат хавфсизлиги органларига ёрдам бериш, деб таъкидланади ахборотда, АДР барча гражданларининг ватанпарварлик бурчидир.

ТОГОДАГИ АҲВОЛ

ЛОМЕ, 30 сентябрь. (ТАСС). Того президентининг қарорғоҳига 24 сентябрь куни ҳужум қилган қуролли шахслар группасини кўп жиҳатдан аҳолининг актив ёрдами, шунингдек армия ва полицияда уларнинг шериклари йўқлиги туфайли тор-мор этишга муваффақ бўлинди. Того республикасининг президенти Гнасингбе Эйадема бу ерда чет эллик журналистлар билан учрашувда ана шуни айтди. Ҳуруж ташкилотчилари, деди у, қўққисдан қилинган ҳаракат самара беради, деб умид қилган эдилар, бироқ улар ўз режаларини амалга оширишга муваффақ бўла олмадилар.

Президентнинг сўзларига кўра, Тогога келтирилган Франция ва Заир ҳарбий хизматчилари Ломеда тартиб ўрнатишда қатнашмадилар.

ҲАМ КАНОП, ҲАМ ПАХТА

ҒАЛАБА районидаги «Ленинград» колхозининг Қўшан Қорабеков бошлиқ бригадаси деҳқонлари давлатга каноп пояси топшириш планларини муддатидан илгари ортиғи билан бажаришди. Мавжуд 52,4 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шу кунгача 186,7 центнердан ҳосил олинди.

Бригада далаларида ўрим-йиғим давом эттириляпти. Коллектив аъзолари каноп ҳосилдорлигини 215 центнерданга етказишга аҳд қилишган.

Шу билан бир каторда бригадада пахта йиғим-терими суръатлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Ҳар куни йиллик планнинг 5—6 процента миқдорида пахта тайёрланмоқда. Механик-ҳайдовчилардан Қобул Раҳимов, Абдували Абдураимов ва Исмоил Яҳёхоновларнинг ҳар бири машинада кунига 5—6 тоннадан пахта термоқдалар.

Деҳқонлар бу йил мавжуд 88 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Шу райондаги Ленин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Абдували Шерматов пахта йиғим-теримида пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Бу йил жами 165 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган илғор механизатор кунига хирмонга 10—12 тоннадан пахта тўкмоқда.

М. ҲАМДАМОВ.

«ЁШ ГВАРДИЯ» МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

«ЁШ ГВАРДИЯ» драма театри кейинги йилларда ўқувчи ёшларнинг севимли маданият масканига айланиб бормоқда. Театр репертуаридан ўрин олаётган янги-янги спектакллар мавзуларнинг хилма-хиллиги, бадиий-ғоявий пухталиги билан томошабинлар диққатини тортмоқда. Бу нарса ўз навбатида театр коллективининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида совринли ўринни эгаллашига олиб келди.

«Театр коллективини театр-томоша корхоналари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада 1986 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича учинчи ўринни эгаллагани билан табриклаймиз. Ишонч билдирамизки, коллектив бундан буён ҳам саҳна асарларининг юксак ғоявий-бадиий даражада бўлишини таъминлайди, 1986 йил план-топшириқлари ва мажбуриятларини ошириб бажаради. СССР Маданият министрининг ўринбосари Иванов, Маданият ходимлари касаба союзлари марказий комитетининг раиси Науменко.»

Ҳа, бу ижодий коллектив иқтидорли бош режиссёр Б. Йўлдошев, директор С. Девоновлар раҳбарлигида ижодий изланишда давом эттирмоқда. Бу йилнинг ўзида 6 янги асарни саҳналаштириш планлаштирилган эди, ҳозир 4 таси саҳнага қўйилди. Асқад Мухторнинг «Зар қадри», Ҳайитмат Расулнинг «Узоқ қишлоқ», С. Ваннуснинг «Томоша», Н. Павлованинг «Вагончик» асарлари шулар жумласидандир. Охирги асар Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг 4-курс талабалари билан ҳамкорликда рус тилида саҳналаштирилганлиги диққатга сазовордир. Туроб Тўланинг «Қабул куни», Ш. Бошбековнинг «Эшик коққан ким бўлди?» асарлари ҳам йил охиригача саҳнага олиб чиқилади.

Ҳозир театр репертуарида 10 асар намойиш этилаяпти.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ҲАЕТГА

ОЛТИН ТЎЙ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Октябрь 40 йиллиги маҳалла комитети аҳоли ўртасида янгича анъаналарни тарғиб этишда кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Маҳалла чойхона клубида Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветеранларининг юбилейларини нишонлаш, қаҳрамон оналарни шарафлаш, ёшларни Совет Армияси сафига кузатиш каби кечалар тез-тез уюштириб турилади.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветерани Назир ота Исамуҳамедовнинг саксон ёшлик юбилейи ҳамда унинг умр йўлдоши Муаззам ая билан эллик йил турмуш кечирганликлари нишонланди. Кечага отанинг фарзандлари билан бир қаторда кўплаб маҳалла аҳли тўпланди.

Улар учун район бадиий ҳаваскорлик коллективлари махсус концерт программаси намойиш этдилар.

Х. ЙЎЛДОШЕВ.

ТИНЧЛИК ЙИЛИНИНГ ТИНЧ ОИЛАЛАРИ

Тошкент район маданият уйида кўплаб клуб ва тўгараклар ишлаб турибди. Яқинда уларнинг сони яна биттага ортди. Бу ерда «Нафосат» аёллар клуби ташкил этилди.

Куни кеча Калинин қишлоқ Совети клубида «Нафосат»нинг дастлабки машғулоти ўтказилди. «Тинчлик йилининг тинч оилалари» деб номланган бу давра суҳбатида 120 дан зиёд қайнона ва келинлар иштирок этишди.

Сўзга чиққан қаҳрамон оналар Хатира Ғаниева, Санталат Аҳмедова, Зарифа Нуриддинова, ёш келинчак Мукамбар Обидовалар янгича урф-одатларни ҳаётга тадбиқ этиш, оиладаги тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда тўйларни камчиқим қилиб ўтказиш ҳақида фикрлар билдирдилар. Шундан сўнг Охунбобоев номли колхознинг 1-бригадаси бошлиғи Муҳаббат Соатова сўзга чиқиб, баъзи бир қайнона-келинлар ўртасида чиқаётган можаро сабаблари ва уларнинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида гапирди.

Давра суҳбати сўнгида район маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концерт программаси намойиш этилди.

Р. УСМОНОВА.

АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

◆ ЧЕРНОБИЛЬ атом электростанциясида авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан ишлар кенг кўламда давом эттирилмоқда. Ҳозирги вақтда тўртинчи энергоблокнинг саркофагини монтаж қилиш тугалланяпти. Айни вақтда радиоактив нурларининг тарқалиш хавфини батамом бартараф этиш юзасидан сўнгги ишлар амалга оширилмоқда. Нурхонанинг биринчи энергоблокини ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда ишлаётган ҳар бир бинокор ва монтажчи меҳнатини қаҳрамонлик деб айтиш мумкин. Улар замонавий техника билан қуролланган ҳолда хавф-хатар билан мардонавор кураш олиб бормоқдалар. Суратларда: Чернобиль АЭСининг бугунги кўриниши; ҳукумат комиссияси навбатдаги йиғилиши.

В. Зуфаров В. Репик фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

Харламб ЗИНКЭ

БОЛАЛИКДАГИ ЁЛҒОН

Чин сўзим: ўшанда тўғри иш қилдимми ёки йўқми, ҳамон билмайман. Агар чакки бўлса мени кечиришсин, зеро, ўша пайтлари ҳаёли жўшқин орзулар билан банд бола эдим, холос. Агар тўғри иш қилган бўлсам, бу ҳодиса менинг Ўзбекистонда ўтган даврим билан боғлиқ энг яхши таассуротларим орасида илиқ хотира сифатида сақланаверсин.

Ўшанда Тошкент қишлоғига келганимизга бир неча ойча бўлганди. Бу ерларга анча ўрганиб ҳам қолгандик. Маҳаллий аҳоли ҳам бизга қўникиб қолди. Уруш қишлоқни ҳувиллатиб қўйган, эркаклар ҳамон бирин-кетин фронтга жўнаб кетаётган бир пайт эди... Уларнинг айримлари уйларига ногирон бўлиб қайтган, баъзиларидан эса оилалари қора хат олишарди. Кўпгина колхозчиларнинг уйига ғам-андуҳ оралади.

Ўша оғир йилларда рўй берган қуйидаги воқеа оддий ҳазилдан бошланди.

...Мен Отанинг уйида эдим. Иш куни тугаган. Чордана қурганча гулдор пиёлага қуйилган кўк чойни ичиб ўтирардик. Табиийки, бир ўзим эмас, Шариф ака билан. Керосин лампаси хира нур сочиб турипти. Эна уй юмушлари билан банд. Шариф эшак билан боғлиқ қандайдир бир воқеани ҳикоя қилиб берарди. Ўзбекчани балодай тушуниб қолганлигим сабабли унинг ҳикоясидан завқланиб ўтирардим. Кейинроқ Эна ҳам бизнинг ёнимизга чўкди. Унинг қўлидаги бир даста картага кўзим тушди. Қизиқиб уларни кўрсатишни илтимос қилдим. У рад этмади. Мен карталарни худди қўғирчоқ ушлагандек қўлга олдим.

— Фол оча оласанми?— сўради бирдан Эна.

— Албатта...— кейин нималар юз беришини билмаган ҳолда, ҳар эҳтимолга қарши жавоб бердим мен.— Биламан, аммо бизда...

Эна кўзларини кериб деди:

— Қани, менга бир фол очгин-чи...

Қўлимдан келганча ўзимни олиб қочишга уриндим. Аммо эплолмадим. Ниҳоят фол очишни билмаслигимни бўйнимга олдим, лекин бунга ҳеч ким ишонмади. Эна шундай бир эҳтирос билан ялина бошладики рози бўлишдан бошқа иложим қолмади.

Карталарда ниманинг акси тасвирланганини ҳам яхши англамасдим. Аммо менинг болалигим Бухарест четида ўтган. У ерлардаги карвонсаройларда эса полиция томонидан изланаётган турли лўттибозлар кўп бўларди. Уларнинг баъзи ишлари менинг қулоғимга ҳам чалинган эди.

— Яхши,— дедим мен ўзбекчалаб,— фол очаман...

Эна гулдор сочиқ олиб келиб, уни гиламга ёзди. Одатга кўра дастурхон атрофига ўтирдик. Жажжи сингилларим ҳам яқинроқ келишди. Уйда фақатгина Ота йўқ эди. Агар у бўлганда, ишончим комилки, мени ҳайдаб чиқарган бўларди.

Сукут сақлаганча, жиддий қиёфада карталарни кўнгил тусаган тартибда очиб ташлай бошладим. Аввал улар тўртбурчак шаклида, кейин учбурчак ҳолда, сўнгра юлдузсимон бўлиб ёйилди... Менинг бу геометрик шаклларим ўтирганларга қаттиқ таъсир кўрсатар, Эна ҳам менинг ҳаракатларимни ихлос билан кузатарди. Фақатгина Шариф кўнглида туғилган мавҳум шубҳадан ҳаворанглар бўлса керак, юрак ютиб савол берди:

— Чиндан ҳам сизларда шундай фол очишадими?

Мен бош силкиб қўйдим.

Аммо мени қийнаётган нарса карталарнинг жойлашиши эмас, балки нима деб фол очишни билмаслигим эди. Нимадир дейишим керак. Деганда ҳам нимадир эмас, барчани қойил қолдирадиган гап айтишим керак. Энанинг рашкчи эканлигини ҳам, бунинг сабабини ҳам, Отани яхши кўришини ва унинг йўқлигидан безовталанаётганини ҳам биларди. Ўйдирмалар тўқиб, унинг гумонларини йўққа чиқаришга ҳаракат қилдим. Бир бармоғим билан сочиқ узра ёйилган карталарга ишора қилганча, ора-сира сукут сақлаб, сўзлай кетдим...

Қора либос кийган киши Ота... Мен «қора либосли киши» ўтроқ эканлигини, унга бир ўғил ва икки қиз инъом этган аёлга қаттиқ боғланганини, айни дақиқада «қора либосли киши» олисларда бўлса ҳам унинг хаёли хотини ва болалари билан банд эканлигини «башорат» қилдим...

Энанинг юзлари ногаҳоний бахтдан чақнаб кетди. У менга ўзининг қачонлардир гўзал бўлган қуралай кўзларини тикканча, уялинқираб қараб турарди.

— Шарифни фронтга олишдими — деб сўради у оҳиста.

— Қани, карталар нима деркин?— дедим. Шарифнинг ҳали жуда ёшлигини, ҳарбий формани фақатгина тўрт-беш йилдан кейин кийишини биларди. Унгача уруш ҳам тамом бўлиб қолади. Шунинг учун укам Шариф фронтга бормайди, дейиш унчалик қийинлик туғдирмади. Хуллас, фақатгина ёқимли башоратлар қилдим. Айтадиган сўзим қолмагач, карталарни йиғиштирдиму, «Етар, бас» дедим.

— Катта раҳмат,— деб пичирлади Эна. Унга қарарканман киприкларида пайдо бўлган кўз ёшларининг аниқ жилосини кўрдим. Ундаги қаяжон менга ҳам ўтди.

Ўз қилмишимдан уялиб кетдим. Эна фол очишни билмаслигимни пайқар, деган умидда эдим. Янглишган эканман. Менга ишонишди: уятдан ёнқларим ёна бошлади. Бошим оғриётганини баҳона қилиб жўнаб қолдим. Уйга келиб, Хунга бор воқеани сўзлаб бердим.

— Нима қилиб қўйдинг, эси паст — койий бошлади. Дўстим.— Оламлар сенинг олдингга кела бошлайди. Энди ҳаммаёққа бидъат тарқатасанми?

Хун бир гапга тушдими, уни тўхатиш қийин эди. Баландпарвоз гапларни қалаштириб ташлайди.

Фолбин сифатида тез орада машҳур бўлиб кетдим. Чин сўзим. Буларнинг барининг раъйимга қарши юз бераётганди. Кейинги куни Ота ва Энанинг барча қўшнилари ҳамда қариндошлари менинг қанчалик зўр фолбинлигим ҳақида хабар топиб, менга алоҳида ҳурмат билан қарай бошлашди.

Ишдан кейин, оқшом пайти. Эна мени ёнига чақириб сўради:

— Марям опани танийсанми?

— Ҳа.

— Унинг икки ўғли фронтга кетганини ҳам биласанми?

— Биламан.

— У сенинг фол очиб беришингни сўраяпти... Мен ҳам ўтинаман...

Яна фол очишни билмаслигимни айтиб, ўзимни оқлай бошладим. Аммо менга ишонишмади.

— Биласан, биласан,— ўзича мени руҳлантирарди Эна.

Суҳбатни эшитиб қолган Хун руминчасига кесатди:

— Бидъатчи!..

Мен уни жеркиб бердим. Шунга қарамай Марям опанинг уйига бордим. Ёлғиз эмас, Эна билан бирга. Бошқа аёллар каби синчков бўлган Энани ҳам нималарни башорат қилишим қизиқтирарди.

Келишимизга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйган Марям опанинг кўриниши анча дардчил эди. Ўғилларининг фронтга кетиши уни эрта қаритганди. Аёлга раҳмим келди ва ўз-ўзидан равшанки, энг ёқимли нарсаларни башорат қила бошладим. Мени сеҳргарни тинглагандек тинглашар экан, бош силкиб, сўзларимни маъқуллаб туришарди.

Фолим тугагач, Марям опа менга туршак, майиз, зоғора берди. Қўлларини қайтара олмадим. Ноз-неъматларни кўтарганча, қалбимда оғир юк билан уйга қайтдим.

— Хўш, қандай қутулдинг?

Бироз сукут сақлаб қўлимдаги бор неъматни столга қўйдим. Хун майизга ёпишди ва бир пасда уни паққос туширгач, яна менга юзланди:

— Бомбейда ишинг бундан ҳам яхши юришиб кетган бўларди...

«Фолбинлигим» масаласи менга азоб берарди. Одамларнинг менга ишонаётганидан уялардим. Доим яхшиликдан башорат қилардим, кишиларнинг юзлари равшан тортар, эртанги кунга умидлари янада кучаярди. Чин сўзим: ўшанда яхши иш қилдимми ёки йўқми, ҳамон билмайман. Агар чакки бўлса мени кечиришсин, агар яхши иш қилган бўлсам, бу ҳам менинг Ўзбекистонда ўтган даврим билан боғлиқ энг яхши таассуротларимдан бири бўлиб қолаверсин.

Руминчадан Х. Альтман ва У. Абдушоҳидов таржимаси.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИДАН

Спорт

ЧАЙНКРОССВОРД

1. Пахта етиштиришда бажариладиган ишлар техникаси мажмуаси. 2. «Ўзбекфильм»да яратилган пахтачилик учун кураш ҳақидаги дастлабки фильм. 3. Пахта ҳосили йиғимидаги қизғин мавсум. 4. Сув тақсимловчи колхозчи. 5. Ҳайдалган ерни текислайдиган қишлоқ хўжалик қуроли. 6. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 7. Пахтанинг янги навларини яратган ўзбек селекционер олими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 8. Ғўза касаллиги. 9. Пахта навларидан бири. 10. Олий мукофотга сазовор бўлган дастлабки механизатор пахтакорлардан бири. 11. Донгдор механизатор аёл, икки марта Социалистик Меҳнат қаҳрамони. 12. Кимёвий ўғит. 13. Пахтачилик билан боғлиқ бўлган енгил саноат тармоғи. 14. Ғўзанинг пахта бўлиб очиладиган аъзоси. 15. Экин қатор ораларига механизм ёрдамида ишлов бериш. 16. Униб чиққан ғўзани сийраклаштириш. 17. Эритмасидан экинни озиқлантиришда ишлатиладиган кимёвий модда. 18. Тошкент областидаги пахтакор районлардан бири. 19. Чигит қолдиғи, чорва озуқаси.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

Газетамизнинг 11 сентябрь сонида эълон қилинган «Адабий» циклкроссворднинг жавоблари қуйидагича: 1. Навоий. 2. Жомий. 3. «Шохнома». 4. Кумуш. 5. Фурқат. 6. Сонет. 7. «Навбаҳор». 8. Камина. 9. «Меъмор». 10. Бедил. 11. Мушоира. 12. «Манас». 13. «Бўстон». 14. Хаттот. 15. «Зеварҳон». 16. Девон.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИЗЛАР УСТУНЛИГИДА

◆ Москвадаги Крилатское қайиқ ҳайдаш каналида СССР халқлари IX спартакиадаси программаси асосидаги байдарка ва каноэ мусобақалари якунланди. Бу баҳсларда республикамизнинг аёллар терма командаси муваффақиятли қатнашди.

500 метрга ўтказилган пойгада андижонлик Татьяна Левина совринли иккинчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг икки кишилик байдаркаларда 500 метрга пойгалар бошланди. Бу турда ҳам республикамиз вакиллари ўзларини кўрсатдилар. Тошкентлик Татьяна Числова ҳамда гулистонлик Гулнора Шарафутдиновалар спартакиаданинг олтин медалини қўлга киритдилар.

4 кишилик байдаркада ҳам олтин медаллар терма командамиз вакилларига насиб этди. Т. Числова, С. Полешчук (Андижон), И. Лиховцева (Чирчиқ) ва Г. Шарафутдиновалар аниқ ва тезкор ҳаракат қилиб марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтдилар.

ФУТБОЛ

◆ ИККИНЧИ лига еттинчи зона командалари ўртасидаги 34-тур ўйинларида ғолиблик учун даъвогарлик қилаётган икки команда — Халқобод-нинг «Соҳибкор» ҳамда Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари, учрашдилар. Бу матчда Тошкент области вакиллари 3:0 ҳисобида устун келдилар. Ангреннинг «Шахтёр» командаси эса сафарда «Хива» командасига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ёшлик» — «Олға» — 1:4, «Динамо» — «Олой» — 4:1, «Геолог» — «Хоразм» — 0:1, «Зарафшон» — «Целинник» — 3:1, «Хўжанд» — «Автомобилист» — 1:0, «Косонсойчи» — «Сурхон» — 2:1, «Пахтакор»— «Вахш»—2:0.

ФЕСТИВАЛЬ ДОИРАСИДА

ХАЛҚ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилаётган ва хўжаликларнинг ўзига хос кўригига айланган катор тадбирлар Бекобод райони меҳнаткашларига дам олиш кунларини мароқли ўтказиш имконини берянти.

Яқинда Ленин номли колхоз ва Мавлонов номли совхоз хор коллективлари, рақоса қизлари, яккахон ашулачилари колхозчилар ва совхоз ишчилари олдида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар ижро этган куй ва қўшиқлар, намойиш этган интермедиялар, фольклор группаларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Байрам сўнгида икки хўжалик спортчилари кураш, тош қўтариш, арқон тортиш бўйича куч синашдилар. Ушбу мусобақаларда Ленин номли колхоз сувчиси К. Маматов, механизатор А. Усмоновлар ғолиб чиқишди.

Э. ИСМОИЛОВ.

ПАРКЕНТ РАЙОНИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

Район маркази кунданкунга ободонлашиб бормоқда. Яқинда бу ерда янги маиший хизмат уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маиший хизмат уйида аҳолидан шахсий машиналар учун гаражлар, якка тартибда темир ва тунукадан ясалган эшиклар, металл панжаралар ясаш, сим тўрлар тўқиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

600 НОМЕРЛИ АТС

Районда қурилаётган «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш объекти табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминланган. Бироқ телефон алоқаси муаммо бўлиб келаётган эди. Яқинда ана шу муаммо ҳал этилди. Мазкур территорияда 600 номерли АТС биноси ишга туширилди. Бу «Қуёш» объекти ва Чанги-Хисарак қишлоғи аҳолисига район маркази ҳамда Тошкент шаҳри билан телефон орқали алоқа қилиш имконини берди.

Бундан ташқари Паркент шаҳридаги марказий АТС биносида монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Эндиликда абонентлар коммутатор ёрдамисиз Сўқоқ, Заркент, Намданак, Шампань қишлоқлари билан бемалол боғлана оладилар.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ

Калинин номли совхозда санъатга меҳр қўйган ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан бу ерда «Чашма» дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилди. Унга Абдусодиқ Ҳолиқов раҳбарлик қилмоқда. Ансамбль иштирокчилари ижросидаги куй ва қўшиқлар дала меҳнаткашларини хушнуд этмоқда.

Т. ДУСТМАТОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ОБУНА ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Бўстонлик районидаги Жданов номли колхозда фаолият кўрсатаётган 12 жамоатчи матбуот тарқатувчилар самарали ишламоқдалар. Айни кунлар — масъулиятли давр — 1987 йил учун газета ва журналларга обуна бошланган пайт. Шунинг учун уларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ана шу жамоатчилар туфайли хўжаликнинг деярли ҳар бир аъзоси янги газета ва журналларга обуна бўлдилар. Биргина механизатор Ордабек Қулбоевнинг ўзи жами 65 сўмлик газета ва журналларга ёзилди. Чорвадор Сапар Сатилханов эса келгуси йилдан олтита газета ва учта журнал ола бошлайди.

Обуна қизғин давом этмоқда.

М. ДОКТОРОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ДИҚҚАТ!

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

Оҳангарон шаҳар савдо бошқармаси биносида (Центральная кўчаси, 79-уй)

3 ОКТЯБРДА

халқ истеъмолидаги ортиқча молларнинг улгуржи савдоси бўйича

ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

ЯРМАРКАГА ДАВЛАТ САВДОСИ, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ ВА ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМЛАРИ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШҚАРМАСИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ

3, 4, 5, 6, 7 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

«ДИАЛОГ»

ЁШЛАР КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Программада ёшлар республика олий ўқув юртлари, министрликлар ва идоралар, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари, комсомол ходимлари ҳамда етакчи ёшлар театр студиялари коллективлари, оригинал жанр артистлари, «замонавий пластика ва хореография» рақс группалари билан учрашадилар ва «Кардио» дискоклубининг янги программаси билан танишадилар.

Билетлар олий ўқув юртларининг вакиллари томонидан ва «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассасида сотилмоқда.

Кассалар ҳар куни соат 12 дан 20.00 гача ишлайди.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот жамиятининг хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмаси ТУГАТИЛДИ.

Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент области, Оржоникидзе районы, Байтқўрғон посёлкаси («Красний мост»).

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот союзи тайёрлаш бошқармасининг ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТАЙЁРЛАШ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Адрес: Тошкент области, Оржоникидзе районы, Байтқўрғон посёлкаси («Красний мост»).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари (19.30).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 09029. В. 1727. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12